

«Karbonat» Акциядорлик жамияти

**Халқаро молиявий ҳисобот
стандартларига мувофиқ
молиявий ҳисобот ҳамда
Мустақил аудитор ҳисоботи**

2015 йил 31 декабр

Мундарижа

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ҲИСОБОТИ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	1
Умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисобот	2
Капитални ўзгартириш тўғрисидаги ҳисобот	5
Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	7

Молиявий ҳисоботга изоҳлар

1 Компания ва унинг фаолияти ҳақидаги умумий маълумот	5
2 Компания ўз фаолиятини амалга ошираётган иқтисодий муҳит	5
3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари	5
4 Ҳисоб сиёсатини қўллашда муҳим баҳолаш қийматлари ва фикр-мулоҳазалар	12
5 Янги ёки ўзгартиришлар стандартлар ва шарҳларни қўллаш	13
7 Сегментлар бўйича ахборот	17
8 Боғлиқ тарафлар билан ҳисоб-китоблар ва амалиётлар	19
9 Асосий воситалар	19
10 Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар	20
11 Товар-моддий захиралар	21
12 Берилган қарзлар	21
13 Савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги	21
14 Етказиб берувчиларга тўланган бўнақлар	23
15 Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	23
16 Акциядорлик капитали	23
17 Савдо ва бошқа кредиторлик қарздорлиги	24
18 Олинган бўнақлар	24
19 Кредитлар ва қарзлар	25
20 Тушум	25
21 Таннарх	25
22 Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	25
23 Бошқа операцион даромадлар	26
24 Фойда солиғи	26
25 Акциялардан олинган фойда	27
26 Шартли ва шартномавий мажбуриятлар	28
27 Молиявий таваккалларни бошқариш	28
28 Капитални бошқариш	29
29 Молиявий воситаларнинг адолатли қиймати	30
30 Баҳолаш тоифалари бўйича молиявий воситаларни тақдим этиш	30

**«Karbonat» Акциядорлик жамиятининг
молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот**

минг сўмда	Изох	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр	2013 йил 1 январ
АКТИВЛАР					
Айланмадан ташқари маблағлар					
Асосий маблағлар	9	1 478 175	2 337 488	1 629 259	2 121 654
Жами айланмадан ташқари маблағлар		1 478 175	2 337 488	1 629 259	2 121 654
Айланма маблағлар					
Сотув учун мавжуд бўлган инвестициялар	10	16 724	16 724	13 214	13 214
Товар-моддий захиралар	11	895 598	2 711 400	3 923 537	4 208 529
Берилган қарзлар	12	2 326 388	3 289 405	1 917 088	924 348
Савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги	13	3 681 371	2 194 147	1 293 603	504 184
Етказиб берувчиларга тўлаб берилган бўнақлар	14	2 404 077	897 103	651 860	316 018
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	15	1 031	64 008	6 454	10 454
Жами айланма маблағлар		9 325 190	9 172 787	7 805 756	5 976 747
ЖАМИ АКТИВЛАР		10 803 365	11 510 275	9 435 015	8 098 401
КАПИТАЛ					
Акциядорлик капитали	16	914 424	914 424	642 568	642 568
Мақсадли фондлар		241 721	241 721	241 721	241 721
Таксимланмаган фойда		8 229 138	8 018 049	6 850 855	5 233 526
ЖАМИ КАПИТАЛ		9 385 283	9 174 194	7 735 144	6 117 815
МАЖБУРИЯТЛАР					
Узоқ муддатли мажбуриятлар					
Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари	24	6 192	1 937	16 971	7 562
Жами узоқ муддатли мажбуриятлар		6 192	1 937	16 971	7 562
Қисқа муддатли мажбуриятлар					
Савдо ва бошқа кредиторлик қарздорлиги	17	1 231 468	2 071 142	1 467 967	1 640 498
Олинган бўнақлар	18	103 038	229 002	183 932	304 526
Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар	19	77 384	34 000	31 000	28 000
Жами қисқа муддатли мажбуриятлар		1 411 890	2 334 144	1 682 899	1 973 024
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР		1 418 082	2 336 081	1 699 870	1 980 586
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ		10 803 365	11 510 275	9 435 015	8 098 401

Компания Раҳбарияти номидан 2015 йил 30 май куни тасдиқланди ва имзоланди.

Ф.Р.Садықходжаев
Бошқарув Раиси

А.А.Ҳашимов
Бош бухгалтер

5-30 бетларда илова қилинадиган изоҳлар ушбу молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**«Karbonat» Акциядорлик жамиятининг
Умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисобот**

<i>минг сўмда</i>	Изоҳ	2015	2014	2013
Тушум	20	6 186 481	12 526 042	7 697 147
Сотувлар таннари	21	(5 120 592)	(9 195 229)	(4 048 139)
Яли фойда		1 065 889	3 330 813	3 649 008
Маъмурий харажатлар	22	(433 689)	(995 401)	(976 590)
Бошқа операцион харажатлар	22	(1 312 053)	(2 127 359)	(1 361 977)
Бошқа операцион даромадлар	23	751 933	265 396	281 460
Операцион фойда		72 080	473 449	1 591 901
Молиявий даромадлар		182 641	880 778	206 328
Молиявий харажатлар		(9 163)	(17 545)	(3 000)
Солиқ солингунга қадар фойда		245 559	1 336 682	1 795 229
Фойда солиғи бўйича харажатлар	24	(34 469)	(169 489)	(177 898)
Бир йил учун фойда		211 089	1 167 193	1 617 330
Бошқа бир йил учун умумий даромад		-	-	-
ЖАМИ БИР ЙИЛ УЧУН УМУМИЙ ДАРОМАД		211 089	1 167 193	1 617 330

5-30 бетларда илова қилинадиган изоҳлар ушбу молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**«Karbonat» Акциядорлик жамиятининг
Капитални ўзгартириш тўғрисидаги ҳисоботи**

<i>минг сўмда</i>	Изоҳ	Акциядорлик капитали	Мақсадли фондлар	Тақсимланмаган фойда	Жами капитал
2013 йил 1 январ	ҳолатига қолдиқ	642 568	241 721	5 233 526	6 117 815
Бир йил учун фойда		-	-	1 617 330	1 617 330
2013 йил учун жами умумий даромад		-	-	1 617 330	1 617 330
2013 йил 31 декабр	ҳолатига қолдиқ	642 568	241 721	6 850 856	7 735 145
Бир йил учун фойда		-	-	1 167 193	1 167 193
2014 йил учун жами умумий даромад		-	-	1 167 193	1 167 193
Акциядорлик капиталга бадаллар		271 856	-	-	271 856
2014 йил 31 декабр	ҳолатига қолдиқ	914 424	241 721	8 018 048	9 174 193
Бир йил учун фойда		-	-	211 089	211 089
2014 йил учун жами умумий даромад		-	-	211 089	211 089
2015 йил 31 декабр	ҳолатига қолдиқ	914 424	241 721	8 229 138	9 385 283

5-30 бетларда илова қилинадиган изоҳлар ушбу молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**«Karbonat» Акциядорлик жамиятининг
Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот**

<i>минг сўмда</i>	Изоҳ	2015	2014	2013
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг ҳаракати				
Товарлар ва хизматларни сотишдан тушумлар		6 076 880	14 229 558	8 512 443
Олинган ТМЗ ва товарлар, хизматлар учун тўловлар		(3 267 554)	(7 541 867)	(4 337 621)
Ходимларга ва уларнинг номидан тўловлар		(1 310 946)	(1 484 271)	(1 373 524)
Операцион фаолиятдаги бошқа тушумлар ва тўловлар		(888 967)	(1 192 226)	(783 173)
Тўланган фойда солиғи		(224 384)	(441 079)	(420 975)
Бошқа тўланган солиқлар		(1 615 081)	(2 290 061)	(1 412 075)
Операцион фаолиятдан пул маблағларининг соф қиймати		(1 230 052)	1 280 054	185 075
Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг ҳаракати				
Бошқа молиявий фаолиятдан олинган пул маблағлари		1 167 075	(1 222 500)	(189 075)
Молиявий фаолиятда сарфланган пул маблағларининг соф қиймати		1 167 075	(1 222 500)	(189 075)
Валюта курслари ўзгаришларининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири		-	-	-
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидаги соф кўпайиш (камайиш)		(62 977)	57 554	(4 000)
Йил бошига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига		64 008	6 454	10 454
Йил охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига	15	1 031	64 008	6 454

5-30 бетларда илова қилинадиган изоҳлар ушбу молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

«Karbonat» Акциядорлик жамиятининг Молиявий ҳисоботиغا изоҳлар — 2015 йил 31 декабр

1 Компания ва унинг фаолияти ҳақидаги умумий маълумот

Ушбу молиявий ҳисобот «Karbonat» Акциядорлик жамияти (кейинчалик — «Компания») учун Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМХС) мувофиқ 2015 йил 31 декабр куни яқунланган йил учун тайёрланди.

Компания Фориш тумани ҳокимининг 2010 йил 6 октябрдаги 187/3-сонли қарори билан рўйхатга олинган ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида амалга оширади.

2015, 2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабр ҳолатига Компаниянинг асосий акциядорлари:

	2015 %	2014 %	2013 %
Акциядорлар			
«Farishcement» МЧЖ	53,78	-	-
«Бекободцемент» АЖ	34,29	34,29	34,29
«Қувасойцемент» АЖ	11,13	11,13	11,13
Жисмоний шахслар (78 киши)	0,80	0,79	0,79
Fagita Trading Ltd (Виргиния ороллари)	-	27,66	27,66
Nadariya Services Ltd (Виргиния ороллари)	-	26,13	26,13
Жами	100,00	100,00	100,00

Асосий фаолият. Асосий фаолият тури — Кўтарма оҳактош кони негизда майдаланган технологик оҳактош ва молот тошини ишлаб чиқариш.

Юридик манзил ва фаолият кўрсатиш жойи. Компаниянинг юридик манзили — Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Фориш тумани, «Эгизбулок» ҚФЙ

Ҳисоботни тақдим этиш валютаси. Агар ўзгача қоида кўзда тутилмаган бўлса, ушбу молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичлари ўзбек сўмларида («СўМ») ифодаланган.

2 Компания ўз фаолиятини амалга ошираётган иқтисодий муҳит

Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон Республикасида охириги йилларда умумий иқтисодий вазият яхшилашиб бораётганига қарамай, мамлакат ривожланиб бораётган бозорларга хос бўлган ўзига хос хусусиятларни намоён қилмоқда.

Компаниянинг молиявий ҳолати ва фаолиятининг натижалари Ўзбекистон Республикасидаги бўлажак сиёсий ва иқтисодий ходисалар, шу жумладан амалдаги ва бўлажак қонун ҳужжатларининг қўлланилиши ва солиқни тартибга солиш таъсирида бўлишни давом этади.

Ўзбекистоннинг 2015 йилдаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари:

- Инфляция: 5,8% (2014:6,1%, 2013:6,8%)
- 2015 йил 31 декабр ҳолатига расмий айирбошлаш курси: 1 АҚШ доллари = 2 809,98 сўм (2014 йил 31 декабр:1 АҚШ доллари = 2 422,40 сўм, 2013 йил 31 декабр:1 АҚШ доллари = 2 202,20 сўм)
- ЯИМ ўсиши: 8,3% (2014:8,1%, 2013:8,0%)

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари

Ҳисоботни тузиш доираси. Ушбу молиявий ҳисобот Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМХС) мувофиқ дастлабки сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олиш қоидаларига асосан тайёрланди, дастлаб адолатли қиймат бўйича тан олинадиган молиявий воситалар бундан мустасно. Ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланилган ҳисоб сиёсатининг тамойиллари қуйида келтирилган. Ҳисоб сиёсатининг ушбу қоидалари, агар ўзгача қоида кўзда тутилмаган бўлса, ҳисоботда кўрсатилган барча даврларга нисбатан кетма-кетликда қўлланилган (5-сонли изоҳга қаранг).

Молиявий ҳисоботни ХМХС бўйича тайёрлаш бир қатор муҳим бухгалтерия баҳолаш қўлланилишини талаб этади. Бундан ташқари, раҳбарият Компаниянинг ҳисоб сиёсатини қўллаш чоғида ўзининг фикр-мулоҳазаларига таяниши лозим. Баҳолашнинг янада юқори даражаси ёки мураккаблигини, шунингдек консолидация қилинган молиҳвий ҳисобот учун муҳим ҳисобланган йўл қўйиш ва баҳолаш доирасини кўзда тутадиган бухгалтерия ҳисоби соҳаси 4-сонли изоҳда кўрсатиб ўтилган.

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари (Давоми)

Компания бухгалтерия ҳисобини юритиш ва маҳаллий бухгалтерия ҳисоботини тузиш ишларини СЎМларда ҳамда Ҳисоб ва Ҳисобот Қоидаларига мувофиқ бажариши шарт. Ушбу молиявий ҳисобот маҳаллий бухгалтерия қайдларига асосланган бўлиб, ХМҲСга мос келиши учун унга тузатишлар киритилган. Асосий тузатишлар даромадларни тан олиш, асосий воситаларни ўлчаш, молиявий воситалар, захира ва кечиктирилган солиқ билан боғлиқ.

Молиявий воситалар — баҳолашга нисбатан асосий ёндашувлар. Молиявий воситалар таснифлаш доирасидан келиб чиққан ҳолда адолатли қиймат, дастлабки қиймат ёки амортизация қилинган қийматларда акс эттирилади. Қуйида ушбу баҳолаш усуллариининг таърифи келтирилган.

Адолатли қиймат — бу активни алмаштириш ёки ихтиёрийлик асосида ҳаракат қилувчи билимдон мустақил тарафлар ўртасида бозор шартларида битимни тузишда мажбуриятларни тартибга солиш мумкин бўлган миқдор. Адолатли қиймат молиявий активлар учун талабнинг жорий нархини ҳамда фаол бозорда котировка қилинадиган молиявий мажбуриятлар учун таклифнинг жорий нархини ифодалайди. Ўзаро хатарни қоплайдиган активлар ва мажбуриятлар бўйича Компания ўзаро қопланадиган таваккалчилик позицияларининг адолатли қийматини аниқлаш учун ўртача бозор нархларидан фойдаланиши ҳамда соф очиқ позицияга нисбатан тегишли талаб нархини ёки таклиф нархини қўллаши мумкин.

Агар котировкаларни биржа ёки бошқа ташкилотдан эркин ва мунтазам равишда олиш мумкин бўлса, молиявий восита фаол бозорда котировка қилинадиган ҳисобланиб, бунда бундай котировкалар бозор шартларида амалга ошириладиган реал ва мунтаҳам битимлар натижаларини касб этади.

Ташқи манбалардан бозор нархлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бир қатор молиявий воситаларнинг адолатли қийматини аниқлаш учун дисконтланган пул оқимлари модели, мустақил тарафлар ўртасидаги яқин кунларда амалга оширилган битимлар тўғрисидаги маълумотга асосланган моделлар, шунингдек инвестициялаш объектлари ҳақидаги молиявий маълумотлар тахлили каби баҳолаш усулларидан фойдаланилади. Баҳолаш усуллариини қўллаш кузатилаётган бозор маълумотларига асосланмаган йўл қўйишларни талаб этиши мумкин. Агар эҳтимолий альтернативага киритиладиган ҳар қандай ушбу йўл қўйишларнинг ўзгариши фойда, даромад, активларнинг умумий миқдори ёки мажбуриятларнинг жиддий ўзгаришларига олиб келса, улар ушбу молиявий ҳисоботда, тегишлича ёритиб берилади.

Дастлабки қиймат сотиб олиш санасига келиб активни сотиб олиш учун тақдим этилган тўланган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини ёхуд бошқа ресурсларнинг адолатли қийматини касб этади ҳамда битим бўйича харажатларни ўз ичига олади. Дастлабки қиймати бўйича баҳолаш фақатгина улушли воситалари бозор котировкаларига эга бўлмаган ва адолатли қиймати ишончли равишда баҳоланиши мумкин бўлмаган инвестицияларга ҳамда очиқ бозорда котировкаларга эга бўлмаган бундай улушли воситаларга боғлиқ бўлган ва бундай улушли воситалар билан тўланиши лозим бўлмаган воситалар ҳосилаларига нисбатан қўлланилади.

Битим бўйича харажатлар молиявий воситани сотиб олиш, чиқариш ёки чиқиб кетишига тааллуқли қўшимча харажатлардир. Қўшимча харажатлар — бу битим амалга оширилмаганда сарф қилинмайдиган харажатлар. Битим бўйича харажатлар агентлар (шу жумладан савдо агентлари сифатида фаолият юритувчи), маслаҳатчилар, брокерлар ва дилерларга тўланган ҳақлар ва комисион пулларни, бошқарувчи органлар ва фонд биржаларига тўланадиган йиғимларни, шунингдек мулк ҳуқуқини ўтказишда ундириладиган солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади. Битим бўйича харажатлар қарз мажбуриятлари бўйича мукофот пуллари ёки дисконтларни, молиялаштириш учун харажатларни, ички маъмурий харажатларни ёки сақлаш учун харажатларни ўз ичига олмайди.

Амортизация қилинган қиймат асосий қарз тўловлари чегирилган ҳолда, бироқ ҳисобланган фоизларни ўз ичига олган ҳолда, молиявий активлар учун эса — қадрсизланиш оқибатида кўрилган зарарлар натижасида қийматнинг ҳар қандай қиймати чегирилган ҳолда воситанинг дастлабки қийматини касб этади. Ҳисобланган фоизлар битим бўйича харажатларни, шунингдек фоизнинг самарали ставкаси усулини қўллаган ҳолда қопланган пул миқдоридан ҳар қандай мукофот пули ёки дисконтлар тан олинганда кечиктирилган амортизацияни ўз ичига олади. Ҳисобланган фоизли даромадлар ва ҳисобланган фоизли харажатлар, шу жумладан ҳисобланган купонли даромад ва амортизация қилинган дисконт ёки пуллик мукофотлар (шу жумладан мавжуд бўлса, комисион пулларни дастлабки тан олишда кечиктирилган пуллик мукофот)лар алоҳида кўрсатилмасдан, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдаги активлар ва мажбуриятларнинг мавжуд моддаларининг баланс қийматида кўрсатилади.

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари (Давоми)

Самарали фоиз ставкаси усули — бу воситанинг баланс қиймати бўйича ҳар бир даврда доимий фоиз ставкасини (самарали фоиз ставкасини) таъминлаш мақсадида тегишли давр мобайнида фоизлар даромади ёки фоизлар харажатларини тан олиш усулидир. Самарали фоиз ставкаси — бу молиявий воситанинг кутилаётган амал қилиш муддати давомида ёки тегишли ҳолларда молиявий воситанинг соф баланс қийматига қадар янада қисқа муддат давомида ҳисобга олинган бўлажак пул тўловлари ёки тушумларини (кредитлар бўйича зарарлар бундан мустасно) аниқ дисконтлайдиган ставка. Самарали фоиз ставкаси фоизларни ўзгартириш кунининг кейинги санасигача ўзгарувчан ставка воситалари учун пул оқимларини дисконтлаш учун қўлланади, ушбу восита учун белгиланган ўзгарувчан ставка бўйича кредит тақсимланишини экс эттирувчи мукофот ёки дисконт ёхуд бозор қийматидан келиб чиқиб белгиланмайдиган бошқа ўзгарувчан омиллар бундан мустасно. Бундай мукофотлар ёки дисконтлар восита муомаласининг кутилаётган бутун муддати давомида амортизация қилинади. Дисконтланган қийматнинг ҳисоб-китоби самарали фоиз ставкасини ажралмас қисми ҳисобланадиган шартнома тарафлари томонидан тўланган ёки олинган барча комисион пул маблағларини ўз ичига олади.

Молиявий активлар таснифи. Молиявий активлар қарзлар ва дебиторлик қарздорлиги тоифаси бўйича таснифланади.

«Қарзлар ва дебиторлик қарздорлиги» тоифаси активлар бозорида котировка қилинмайдиган, белгиланган ёки аниқланадиган тўлов билан ҳосил бўлган молиявий воситаларни акс эттиради, Компания яқин келажакда сотиш ниятида бўлган активлари бундан мустасно.

Молиявий мажбуриятлар таснифи. Молиявий мажбуриятлар бошқа молиявий мажбуриятлар каби таснифланади. Бошқа молиявий мажбуриятлар амортизация қилинадиган қиймат бўйича акс эттирилади.

Молиявий воситаларни дастлабки тан олиш. Молиявий воситалар дастлаб адолатли қиймат бўйича ҳамда битим бўйича сарфланган харажатлар билан тан олинади. Дастлабки тан олишда адолатли қийматнинг энг яхши тасдиғи бўлиб битимнинг нархи ҳисобланади. Адолатли қиймат ва битим нархи ўртасида бозорда айни вақтда кузатилаётган ўхшаш молиявий воситага эга битимлар билан ёки кирувчи ўзгарувчан омил сифатида фақатгина бозорларнинг ҳақиқатдаги маълумотлари қўлланиладиган баҳолаш усули билан тасдиқланиши мумкин бўлган фарқлар мавжуд бўлсагина дастлабки тан олиш вақтида фойда ва зарар ҳисобга олинади.

Топшириш муддатлари қонун ҳужжатлари ёки ушбу бозор қоидалари билан кўзда тутилмайдиган молиявий активларни сотиб олиш ёки сотиш (стандарт шартларда сотиб олиш ва сотиш) битимни амалга ошириш санаси, яъни Компания молиявий активни топшириш мажбуриятини зиммасига олган сана ҳолатига тан олинади. Сотиб олиш бўйича барча бошқа амалиётлар компания ушбу молиявий воситага нисбатан шартнома тарафига айланганда тан олинади.

Молиявий активларни тан олишни тугатиш. Компания (а) активлар тўланганга ёки ушбу активлар илан боғлиқ пул оқимларига ҳуқуқлар тугаганида, ёк (б) Компания молиявий активлардан пул оқимларига ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганда ёки бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида келишув тузганда, ва бунда (i) ушбу активлар билан боғлиқ барча муҳим таваккаллар ва фойдаларни бошқа шахсларга топширганда, ёки (ii) ушбу активларга эгалик қилиш билан боғлиқ барча муҳим таваккаллар ва фойдаларни топширмаганда ва сақлаб қолмаганда, лекин ушбу активларга нисбатан назорат қилиш ҳуқуқини йўқотганда молиявий активларни ҳисобга олишни тугатади.

Контрагент қўриб чиқилаётган активларни сотишга қўшимча чекловларни белгилаш заруритисиз мустақил учинчи тарафга битта яхлит нурса сифатида сотиш учун амалий имкониятга эга бўлмаган ҳолдагина назорат сақланиб қолади.

Асосий воситалар. Асосий воситалар йиғилган эскириш ва қадрсизланиш остига захира миқдорлари чегирилган ҳолда сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилади (зарурият бўлган ҳолларда).

Маида таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга сарфланган харажатлар жорий харажатларга киради. Йирик узеллар ёки асосий воситалар компонентларини алмаштириш учун харажатлар алмаштирилиши лозим бўлган қисмлар бир вақтнинг ўзида ҳисобдан чиқарилганда капитализация қилинади.

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари (Давоми)

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида раҳбарият асосий воситалар қадрсизланиши аломатлари мавжудлигини аниқлайди. Бундай аломатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси аниқланса, раҳбарият

қопланадиган миқдорни баҳолаб, у иккита қийматдан энг кўп миқдори сифатида аниқланади: активларни сотишга харажатлар чегирилган ҳолда адолатли қиймат ва ундан фойдаланганлик учун олинган қиймат. Активнинг баланс қиймати қопланадиган миқдорга чамайтирилади; кадрсизланишдан кўрилган зарар бир йиллик фойда ёки зарарда акс эттирилади. Ўтган ҳисобот даврларида тан олинган активлар кадрсизланишдан кўрилган зарар, активдан ёхуд унинг адолатли қийматидан сотиш учун харажатлар чегирилган ҳолда фойдаланганлик қийматини аниқлашда қўлланилган ҳисобга олиш баҳолари ўзгарганда, орқага қайтарилади (зарурият бўлган ҳолларда).

Асосий воситаларни чиқаришдан кўрилган фойда ёки зарарлар сотишдан олинган тушум ва унинг баланс қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланиб, бир йиллик фойда ёки зарарда акс эттирилади.

Амортизация. Асосий воситаларнинг бошқа объектлари амортизацияси чизиқли усул воситасида уларнинг фойдали фойдаланиш муддати давомида уларнинг дастлабки қийматини тугатиш қийматигача бир маромда ҳисобдан чиқариш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

	Амортизация ставкаси, %
Бинолар ва иншоотлар	5
Машиналар ва асбоб-ускуналар	8
Мебел, офис ва компьютер ускуналари	15-20
Транспорт воситалари	8-20
Бошқа асосий воситалар	15

Активнинг ликвидацион қиймати Компания активнинг ёши ва унинг техник ҳолати унинг фойдали фойдаланиш муддатининг охирида кутилаётган ёши ва унинг техник ҳолатига жавоб беради деган тахминдан келиб чиқиб айна вақтда активларни сотиш учун тахминий харажатлар чегирилган ҳолда уларнинг сотувидан олиши мумкин бўлган кутилаётган миқдорни касб этади. Активларнинг ликвидацион қиймати ва уларнинг фойдали фойдаланиш муддатлари ҳар бир ҳисобот санасига қайта кўриб чиқилади, ва зарурият бўлган ҳолларда уларга тузатишлар киритилади.

Фойда солиғи. Фойда солиғи молиявий ҳисоботда амалдаги ёки ҳисобот даври охирида амалда бўлган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ акс эттирилади. Фойда солиғи бўйича харажатлар жорий ва кечиктирилган солиқни ўз ичига олади ҳамда ашар фойда ёки зарарлар айнан бир хил ёки ҳар қандай бошқа ҳисобот давридаги бошқа жами даромад ёки капитал таркибида ҳам акс эттириладиган амалиётга тааллуқли бўлганлиги сабабли бошқа жами даромад ёки капитал таркибида акс эттирилиши лозим бўлмаса, йиллик фойда ёки зарарларда тан олинади.

Жорий солиқ жорий ва кейинги даврлар учун солиққа тортиладиган фойда ёки зарарга нисбатан бюджетга тўланиши ёки қопланиши кўзда тутиладиган миқдорни касб этади. Солиққа тортиладиган фойда ёки зарарлар, агар молиявий ҳисобот тегишли солиқ декларацияларига қадар тасдиқланса, баҳолаш асосида ҳисобланади. Фойда солиғидан фарқ қиладиган солиқлар операцион харажатлар таркибида акс эттирилади.

Фойдага кечиктирилган солиқ кейинги даврга ўтказилган солиқ бўйича зарарлар ҳамда активлар ва мажбуриятларнинг солиқ базаси ҳамда уларнинг молиявий ҳисоботдаги баланс қиймати ўртасида вужудга келадиган даврий фарқлар қисмидаги баланс мажбуриятлари усули бўйича ҳисоблаб чиқилади. Дастлабки тан олиш учун мавжуд бўлган истисноларга мувофиқ кечиктирилган солиқлар, агар улар бухгалтерлик ҳамда солиққа тортиладиган фойдага ўз таъсирини кўрсатмаса, бизнесни бирлаштиришга алоқаси бўлмаган амалиётлар бўйича активлар ёки мажбуриятларнинг дастлабки тан олинишида вужудга келадиган даврий фарқларга нисбатан тан олинмайди. Кечиктирилган солиқнинг баланс миқдори ҳисобот даврининг охирида амалдаги ёки аслида кучга кирган ҳамда даврий фарқларни қайтариш даврида қўлланилиши ёки кейинги даврларга ўтказилган солиқ зарарларидан фойдаланилиши кутилаётган солиқ ставкалари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Кечиктирилган солиқ активлари кечиктирилган солиқ мажбуриятларига қарши фақатгина Компания доирасида ҳисобга олиниши мумкин. Кечиктирилган солиқ активлари чегириб ташланадиган даврий фарқлар ва кейинги даврларга ўтказилган солиқ зарарларига нисбатан келажакда бундай чегирмалар миқдорига чамайтирилиши мумкин бўлган солиққа тортиладиган фойда олишнинг юқори эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолдагина тан олинади.

Компания шўба компанияларининг дивидендлари ёки уларни сотишдан олинган даромадларга солиган солиқларга тааллуқли даврий фарқлар қайтарилишини назорат қилади. Компаниянинг раҳбарияти яқин келажакда даврий фарқлар қайтарилишини кутадиган ҳоллардан ташқари бундай даврий фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ мажбуриятларини акс эттирмайди.

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари (Давоми)

Товар-моддий захиралар. Захиралар иккита қийматлар: ҳақиқий таннарх ва соф сотиш нархининг энг паст қийматида ҳисобга олинади. Захиралар ишлаб чиқаришга чиқарилганда ёки бошқа тарзда тасарруф этилганда, уларга ўртача баҳолаш усулида баҳо берилади.

Савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги. Савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги дастлаб адолатли қиймат бўйича ҳисобга олинади, кейин эса самарали фоиз ставкаси усулини қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Амортизация қиймати бўйича акс эттириладиган молиявий активларнинг қадрсизланиши. Қадрсизланишдан кўрилган зарарлар молиявий актив дастлабки тан олинганидан сўнг содир бўлган ҳамда молиявий актив ёки етарли даражадаги ишончлилик билан баҳолаш мумкин бўлган бир гуруҳ молиявий активлар билан боғлиқ тахминий келажакдаги пул оқимларининг қиймати ёки муддатларига таъсир кўрсатувчи бир ёки ундан ортиқ ҳодисалар («зарарлар ҳодисаси») натижасида юзага келишига қараб фойда ёки зарарда тан олинади. Компанияда яқка тартибда баҳоланган молиявий актив (унинг муҳимлилик даражасидан қатъи назар) учун қадрсизланиш борасида объектив далил-исботлар мавжуд бўлмаса, ушбу актив кредит таваккалнинг ўхшаш таснифларига эга бўлган молиявий активлар гуруҳига киритилиб, улар бир биргаликда қадрсизланиш борасида баҳоланади. Компания молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда эътиборга оладиган асосий омиллар бўлиб унинг муддати ўтказиб юборилган мақоми ва агар мавжуд бўлса, таъминотни амалга ошириш имконияти ҳисобланади. Қуйида қадрсизланишдан кўрилган зарарнинг объектив аломатларининг мавжудлиги аниқланадиган бошқа асосий мезонлар санаб ўтилган:

— ҳар қандай навбатдаги тўловни кечиктириш, бунда ўз вақтида тўламаслик ҳисоб-китоб тизимлари ишидаги кечикиш билан тушунтирилиши мумкин эмас;

— контрагент жиддий молиявий қийинчиликларни бошдан кечиради, бу Компания тасарруфида мавжуд бўлган контрагент тўғрисидаги молиявий ахборот билан тасдиқланади;

— контрагент банкротликни ёки молиявий қайта ташкил қилишни эълон қилиш имкониятларини кўриб чиқади;

— контрагентга таъсир кўрсатувчи миллий ёки маҳаллий иқтисодий шароитларнинг ўзгариши сабабли контрагентнинг тўловга оид мақомини салбий ўзгариши мавжуд; ёки

— таъминотнинг қиймати, агар мавжуд бўлса, бозордаги вазият ёмонлашиши натижасида жиддий равишда камайса.

Қадрсизланишни умумий баҳолаш мақсадида молиявий активлар кредит таваккалнинг ўхшаш таснифларига кўра бирлаштирилади. Ушбу таснифлар бундай активлар гуруҳлари учун бўлажак пул маблағлари оқимини баҳолашга қиради ҳамда дебиторлар томонидан баҳоланаётган активларга нисбатан шартномавий шартларга мувофиқ барча қопланиши лозим бўлган миқдорларни қоплаб бериш имкониятини тасдиқлайди.

Қадрсизланиш борасида биргаликда баҳоланадиган молиявий активлар гуруҳидаги бўлажак пул маблағлари оқими ушбу активлар билан боғлиқ шартномавий пул оқимлари ҳамда раҳбариятда мавжуд бўлган содир бўлган нохуш ҳодисалар натижасида юзага келадиган муддати ўтказилган қарздорлик ҳажмлари, шунингдек ўтмишда муддати ўтказилган қарздорликни қоплаш борасидаги муваффақиятлар тўғрисидаги статистика асосида аниқланади. Ўтган йиллар статистикаси олдинги даврларга таъсир кўрсатмаган жорий шартлар таъсирини акс эттириш, шунингдек жорий даврда мавжуд бўлмаган олдинги шартлар эффектини йўқотиш мақсадида кузатиб борилаётган жорий маълумотлар асосида тузатишлар киритилади.

Амортизация қиймати бўйича акс эттириладиган қадрсизланган молиявий активнинг шартлари музокаралар натижасида қайта кўриб чиқилса ёки контрагентнинг молиявий қийинчиликлари сабабли бирор бир тарзда ўзгарса, қадрсизланиш шартда қайта кўриб чиқилгунга қадар дастлабки самарали фоиз ставкасидан фойдаланган ҳолда аниқланади. Шундан сўнг, шартлари қайта кўриб чиқилган молиявий активни тан олиш тугатилади, ва адолатли қиймат бўйича янги актив тан олинади, бироқ ушбу актив билан боғлиқ таваккаллар ва фойда жиддий равишда ўзгарган бўлса. Бу одатда дастлабки ва янги қўйилаётган пул маблағлари оқимининг дисконтланган қийматидаги жиддий фарқ билан тасдиқланади.

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари (Давоми)

Қадрсизланишдан кўрилган зарарлар ҳар доим активнинг баланс қийматини ушбу актив бўйича дастлабки самарали фоиз ставкасидан фойдаланган ҳолда дисконтланган қўйилаётган пул оқимларининг жорий қийматига олиб келадиган миқдорда (айни вақтда хали кўрилмаган зарарларнинг бўлажак кредит зарарларини ўз ичига олади, захирани ташкил этиш йўли билан тан олинади. Гаров билан таъминланган молиявий активнинг қўйилаётган пул оқимларининг дисконтланган қийматини ҳисоблаб чиқариш таъминотни олиш ва сотишга харажат чегириб ташланган ҳолда ундирувларни гаров предметиға қаратиш

эҳтимоли даражасилан қатъий назар гаров предметиға ундирувни қаратиш танижасида юзага келиши мумкин бўлган пул оқимларини ўз ичига олади.

Кейинги даврда кадрсизланишдан кўрилган зарар миқдори камайса ва бу камайиш кадрсизланиш тан олинганидан кейин рўй берган ҳодисага (масалан, дебиторнинг кредит рейтингини ошириш) объектив равишда киритилиши мумкин, кадрсизланишдан кўрилган аввал акс эттирилган зарар яратилган захирани бир йиллик фойда ёки зарар орқали тузатилиши воситасида тикланади.

Қоплашнинг имкони бўлмаган ҳамда тўлиқ ёки қисман қоплаб ериш мақсадида барча зарурий амалиётлар якунланган активлар шакллантирилган захира ҳисобига кадрсизланиш тариқасида ҳисобдан чиқарилади. Аввал ҳисобдан чиқарилган миқдорларни кейинги тиклашлари бир йил давомидаги фойда ёки зарарларда кадрсизланишдан кўрилган йўқотишлар ҳисобига кредитланади.

Молиявий воситаларни ўзаро ҳисобга олиш. Молиявий активлар ва мажбуриятлар ўзаро ҳисобга олинади ҳамда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда соф миқдор фақатгина юридик жиҳатдан белгиланган акс эттирилган миқдорларнинг ўзаро ҳисобини амалга ошириш ҳуқуқи, шунингдек ўзаро ҳисобга олишни амалга ошириш ёхуд бир вақтнинг ўзида активни сотиш ва мажбуриятни тартибга солиш истаги мавжуд бўлган ҳолдагина акс эттирилади. Кўриб чиқиладиган ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи (а) келажакдаши эҳтимолий ҳодисаларга боғлиқ бўлиши керак эмас ва (б) қуйидаги вазиятларда: (i) оддий молиявий-хўжаликни амалга ошириш жараёнида, (ii) тўловлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда (дефолт ҳодисасида) ва (iii) тўловга қобилиятсизлик ёки банкротлик ҳолатларида амалга оширилиши учун юридик имкониятга эга бўлиши лозим.

Олдиндан тўлов. Олдиндан тўлов ҳисоботда кадрсизланиш учун захира чегирилган ҳолда дастлабки қиймат бўйича акс эттирилади. Олдиндан тўлов, агар унга тааллуқли товар ёки хизматларни олишга доир тахминий муддат бир йилдан ошса, ёки олдиндан тўлов ҳисобга олишда дастлабки тан олишда айланмадан ташқари сифатида акс эттирилса, узоқ муддатли сифатида таснифланади. Активни сотиб олиш учун олдиндан тўлов миқдори Компания томонидан ушбу актив устидан назоратни қўлга киритганда ва у билан боғлиқ бўлажак иқтисодий фойдалар Компания томонидан олишини эҳтимоли мавжуд бўлганда унинг баланс қийматиға киритилади. Бошқа олдиндан тўлов унга тааллуқли бўлган товарлар ва хизматларни олишда фойда ёки зарар ҳисобига ҳисобдан чиқарилади. Олдиндан тўловга тааллуқли активлар, товарлар ёки хизматлар олинмаслиги борасидаги аломатга эга бўлса, олдиндан тўловнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилиши лозим ва кадрсизланишдан кўрилган тегишли зарар йиллик фойда ёки зарарларда акс эттирилади.

Пул воситалари ва уларнинг эквивалентлари. Пул воситалари ва уларнинг эквивалентлари кассадаги пул маблағлари, талаб қилиб олгунча банк ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда шартнома бўйича дастлабки қоплаш муддати уч ойдан ошмайдиган бошқа қисқа муддатли юқори ликвидли инвестицияларни ўз ичига олади. Пул воситалари ва уларнинг эквивалентлари самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар. Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар адолатли қиймат бўйича акс эттирилади. Сотиш учун мавжуд бўлган қарз олиш-беришга оид қимматли қоғозлар бўйича фоиз даромади самарали фоиз ставкаси усули бўйича ҳисоблаб чиқилади ва бир йиллик фойда ёки зарарларда молиявий даромад сифатида акс эттирилади. Сотиш учун мавжуд бўлган улушли молиявий воситалардаги инвестициялар бўйича дивидендлар Компаниянинг тўловларни олишга ҳуқуқи белгиланиб дивидендларни олиш эҳтимоли юқори бўлган йилдаги фойда ёки зарарларда акс эттирилади. Адолатли қийматнинг бошқа ўзгаришлари инвестициялар тан олиниши тугатилгунга қадар ёки улар кадрсизлангунга қадар, бир йиллик фойда ёки зарарларда жамланган фойда ёки зарарлар миқдори бошқа жами даромадлар таркибидан молиявий даромад таркибига ўтказилганда, бошқа жами даромадлар ҳисобрақамларида акс эттирилади.

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари (Давоми)

Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар кадрсизланишидан кўрилган зарарлар ушбу активлар дастлабки тан олинганидан сўнг содир бўлган бир ёки бир неча ҳодисалар («зарарга олиб келувчи ҳодисалар») натижасида юзага келган вақтда бир йиллик фойда ёки зарарларда акс эттирилади. Улушли воситаға киритилган инвестициялар адолатли қийматининг уларнинг дастлабки қийматидан пастрок даражада сезиларли ёки давомий пасайиб бориши кадрсизланишнинг далили ҳисобланади. Сотиб олиш нархи ва жорий адолатли қиймати ўртасида аввал фойда ёки зарарда акс эттирилган кадрсизланишдан кўрилган зарар чегирилган ҳолда фарқ сифатида ҳисоблаб чиқариладиган – кадрсизланишдан кўрилган жамланган зарар миқдори – бир йиллар фойда ёки зарарларда бошқа жами даромадлар ҳисобрақамидан молиявий харажатлар таркибига ўтказилади.

Улушли воситаларга киритилган инвестициялар қадрсизланишидан кўрилган зарарлар тиклаймайди ва кейинги фойда бошқа жами даромадлар таркибида акс эттирилади. Агар кейинги даврда сотиш учун мавжуд бўлган деб таснифланган қарз воситасининг адолатли қиймати кўпайиб борса, ва бу кўпайишни қадрсизланишдан кўрилган зарар фойда ёки зарарнинг таркибида тан олинганидан сўнг рўй берган ҳодиса билан объектив тарзда боғлаш мумкин бўлса, бу олда қадрсизланишдан кўрилган зарар жорий давр фойда ёки зарарларида тикланади.

Кредитлар ва қарзлар. Кредитлар ва қарзлар дастлаб адолатли қиймат бўйича битим бўйича амалга оширилган сарф-харажатлар чегирилган ҳолда, сўнгра эса амортизация қиймати бўйича самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинади.

Акциядорлик капитали. Оддий акциялар капитал сифатида акс эттирилади. Янги акцияларни чиқаришга таллуқли кўшимча харажатлар капитал таркибида акцияларни чиқаришдан олинган миқдорнинг камайиши (солиқ чегирилган ҳолда) сифатида акс эттирилади. Чиқарилган акцияларнинг номинал қийматидан олинган маблағларнинг адолатли қийматининг ошиш миқдори капиталда эмиссион даромад сифатида акс эттирилади.

Кўшилган қиймат солиғи. Сотидан олинган тушумга тааллуқли кўшилган қиймат солиғи иккита санадан энг биринчисида бюджетга тўланиши лозим: (а) мижозлардан дебиторлик қарздорлиги миқдорлари олинган сана ёки (б) мижозларга товарлар ёки хизматлар етказиб берилган сана. Товарлар ва хизматларни сотиб олишда тўланган ҚҚС, одатда сотувчининг ҳисоб-фактураси олинган пайтда сотидан олинган тушумдан ҳисобланган ҚҚСга қарши ҳисобга олиш йўли билан қопланиши лозим. Солиқ органлари ҚҚСни нетто-асосда ҳисоблаб чиқишга рухсат беради. Тўловга ҚҚС ва тўланган ҚҚСлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда активлар ва мажбуриятлар таркибида ёйиб берилган кўринишда очиб берилади. Дебиторлик қарздорлиги қадрсизланиши остига захира яратилганда қадрсизланишдан кўрилган зарар қарздорликнинг бутун миқдorigа, шу жумладан ҚҚС билан акс эттирилади.

Савдо ва бошқа кредиторлик қарздорлиги. Савдо кредиторлик қарздорлиги контрагент томонидан унинг шартномавий мажбуриятлари бажарилиши ҳолати бўйича ҳисоблаб чиқилади ҳамда дастлаб адолатли қиймат бўйича, сўнгра эса амортизация қиймати бўйича самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинади.

Чет эл валюталарини қайта ҳисоблаш. Компаниянинг функционал валютаси бўлиб устувор иқтисодий муҳит валютаси ҳисобланиб, унда Компания ўз фаолиятини амалга оширади. Компаниянинг функционал валютаси ва Компания томонидан ҳисоботларни тақдим этиш валютаси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — ўзбек сўми («СўМ») ҳисобланади.

Пул активлари ва мажбуриятлар ҳар бир компаниянинг функционал валютасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (ЎМБ) томонидан тегишли ҳисобот саналари учун белгиланган расмий алмаштириш курси бўйича ўтказилади. ЎМБ томонидан йил охирига белгиланган расмий курси бўйича алоҳида компаниянинг функционал валютасига пуллик активлар ва мажбуриятлар ҳисоблаб чиқилганда ва қайта ҳисоблаб чиқилганда вужудга келувчи фойда ва зарарлар фойда ёки зарарларда акс эттирилади. Йил охирига курс бўйича қайта ҳисоблаш тарихий қиймати бўйича ҳисобланадиган балансинг пулсиз моддаларига нисбатан амалга оширилмайди. Чет эл валютасида адолатли қиймат бўйича ҳисобланадиган пулсиз моддалар, шу жумладан инвестициялар ва капитал, адолатли қиймат аниқланган санага келиб валюта курсларидан фойдаланган ҳолда қайта ҳисобланади. Пулсиз моддаларнинг адолатли қиймати ўзгаришларига алмаштириш курслари тебранишининг таъсири адолатли қиймат ўзгаришидан фойда ёки зарарлар таркибида акс эттирилади.

2015 йил 31 декабр ҳолатига кўра чет эл валютасидаги баланс қолдиқларини қайта ҳисоблаб чиқиш учун фойдаланиладиган асосий алмаштириш курси 1 АҚШ доллари = 2 809,98 сўми (2014 йил 31 декабрда: 1 АҚШ доллари = 2 422,40 сўм, 2013 йил 31 декабрда: 1 АҚШ доллари = 2 202,20 сўм) ташкил этган.

3 Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари (Давоми)

Ходимларга мукофотлар. Иш ҳақи, Ўзбекистон Республикасининг Пенсия жамғармасига ва Ижтимоий сугурта жамғармасига бадаллар, ҳақ тўланадиган ҳар йиллик таътил ва касаллик бўйича таътиллари, мукофот пуллари, шунингдек пулсиз имтиёзларни (соғлиқни сақлаш ва болалар боғчалари хизматлари каби) ҳисоблаш ушбу турдаги мукофотларни белгиловчи хизматлар Компания ходимларига кўрсатилган йилда амалга оширилади. Компания ягона ижтимоий солиқдан ташқари нафақа тўловлари ёки

ўхшаш тўловлари бўйича бирорта ҳуқуқий ёки ўрнатилган ишбилармонлик амалиётидан келиб чиқувчи бошқа мажбуриятларга эга эмас.

Тушумни тан олиш. Тушум олинган ёки олиниши лозим бўлган қоплашнинг адолатли қиймати бўйича баҳоланади ҳамда барча камайтирилган нархлар, қайтаришлар ва қўшилган қиймат солиғи чегирилган ҳолда етказиб берилган товарлар учун олинадиган миқдорларни касб этади. Тушумнинг миқдорини ишончли тарзда ўлчаш мумкин бўлганда ва ташкилот учун келажакда иқтисодий фойдани олиш эҳтимоли мавжуд бўлганда, бунда қуйида кўрсатилган Компаниянинг барча фаолият турлари алоҳида мезонларга жавоб берганда, Компания тушумни тан олади. Бартер кешилуви бўйича олинган товарнинг адолатли қийматини ишончли тарзда баҳолашнинг имконияти бўлмаган тақдирда, тушум сотилган товарлар ёки хизматларнинг адолатли қиймати бўйича баҳоланади.

Товарларни сотишдан олинган тушум. Товарларни сотишдан олинган тушум товарларга нисбатан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ, одатда товарларни юклаб тушириш пайтида, таваккаллар ва фойдалар бошқа шахсларга ўтказилган пайтда тан олинади. Агар Компания товарни муайян жойгача етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олаётган бўлса, тушум товарлар етказиб бериш манзилида сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб тан олинади.

Хизматлар кўрсатишдан олинган тушум. Хизматларни сотиш шартнома бўйича кўрсатилиши лозим бўлган хизматларнинг умумий ҳажмида ҳақиқатда кўрсатилган хизматларнинг улушига мутаносиб равишда баҳоланадиган аниқ амалиётнинг яқунланганлик даражасидан келиб чиқиб ушбу хизматлар кўрсатилган ҳисобга олинадиган даврда тан олинади.

Фоиз даромадлари. Фоиз даромадлари самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланган ҳолда молиялаштириш вақти мобайнида мутаносиб равишда тан олинади.

Акциядан олинадиган фойда. Акциядан олинадиган фойда Компания акциялари эгалари улушларига тегишли фойда ёки зарарни ҳисобот йили давомида муомалада бўлган фойдада иштирок этувчи акцияларнинг ўртacha сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Сегмент ҳисоботи. Операцион сегментлар бўйича ҳисобот Компаниянинг операцион қарорларига жавобгар бўлган раҳбарга тақдим этиладиган ички ҳисоботларга мувофиқ тузилади. Компаниянинг операцион қарорларига жавобгар бўлган раҳбар захираларни тақсимлайди ва операцион сегментларни баҳолайди. Ҳисобот сегментлари, агар уларнинг тушуми, даромади ёки активлари барча операцион сегментларнинг жами тушуми, жами даромади ёки жами активларининг камида ўн фоизни ташкил этса, алоҳида очиб берилиши керак.

Акциялар чиқарилганидан сўнг молиявий ҳисоботга ўзгартиришлар киритиш. Акциялар чиқарилганидан сўнг ушбу молиявий ҳисоботга ўзгартиришлар киритишга фақатгина ушбу молиявий ҳисобот чиқарилишини тасдиқланган Компания раҳбарияти уни маъқуллаганидан кейингина рухсат берилади.

4 Ҳисоб сиёсатини қўллашда муҳим баҳолаш қийматлари ва фикр-мулоҳазалар

Компания молиявий ҳисоботда акс этириладиган миқдорларга ҳамда кейинги молиявий йилда активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматига таъсир қиладиган бухгалтерлик баҳолаш ва йўл қўйишларни амалга оширади. Бухгалтерлик баҳолаш ва фикр-мулоҳазалар доимий равишда таҳлил қилинади ҳамда раҳбариятнинг ўтмишдаги тажрибаси ва бошқа омилларга, шу жумладан юз берган вазиятларла асосланган деб ҳисобланувчи бўлажак ҳодисаларга нисбатан тахминлашга асосланган. Ҳисоб сиёсатини қўллаш жараёнида раҳбарият касбий фикр-мулоҳазалардан ҳам фойдаланади, бухгалтерлик баҳолаш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар бундан мустасно. Молиявий ҳисоботда акс этирилган миқдорларга ўта жиддий таъсир кўрсатувчи касбий фикр-мулоҳазалар ҳамда кейинги молиявий йил давомида активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматининг жиддий тузатишларига олиб келиши мумкин бўлган бухгалтерлик баҳолашлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

4 Ҳисоб сиёсатини қўллашда муҳим баҳолаш қийматлари ва фикр-мулоҳазалар (Давоми)

Кечиктирилган солиқ активини тан олиш. Тан олинган кечиктирилган солиқ активлари келажакдаги фойда солиғи ҳисобига киритилиши мумкин бўлган фойда солиғининг миқдорини ифодалайди ҳамда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилади. Кечиктирилган солиқ активи тегишли солиқ чегирмасидан фойдаланиш ўта эҳтимолли бўлган ҳолдагина тан олинади. Бу келажакда тикланиши кутилаётган даврий фарқлар мавжуд бўлишини ҳамда чегирмаларни амалга ошириш учун етарли бўлган бўлажак солиққа тортиладиган фойда мавжуд бўлишини тақозо этади. Келажакда солиққа тортиладиган

фойда ва келажакда ҳисобга олиш эҳтимоли бўлган солиқ чегирмаларининг миқдорини аниқлаш раҳбарият томонидан тайёрланган ўрта муддатли бизнес-режага ҳамда уни келажакда экстраполяция қилиш натижаларига асосланган.

Солиқ қонунчилиги. Ўзбекистон Республикасининг солиқ, валюта ва божхона қонунчилиги турли хил талқинларга йўл қўяди. 24-сонли изоҳга қаранг.

Боғлиқ тарафлар ўртасидаги амалиётларни дастлабки тан олиш. Бизнесни оддий юритиш давомида Компания боғлиқ тарафлар билан амалиётларни бажаради. 39-сонли ХМҲС бўйича молиявий воситаларнинг адолатли қийматлари асосида улар дастлабки тан олинади. Фикр-мулоҳаза, агар транзакция бозор ёки нобозор фоиз ставкалари бўйича бундай транзакциялар учун фаол бозор мавжуд бўлмаганда баҳоланса, қўлланилади. Фикр-мулоҳазанинг асоси бўлиб бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарафлар билан транзакцияларнинг ўхшаш турларини баҳолаш ҳамда самарали фоиз ставкасини таҳлил қилиш ҳисобланади.

5 Янги ёки ўзгартиришлар стандартлар ва шарҳларни қўллаш

Қуйида санаб ўтилган янги стандартлар ва тушунтиришлар Компания учун 2015 йил 1 январдан бошлаб мажбурий бўлиб қолди:

19-сонли ХМҲС (IAS) – «Ўрнатилган тўловлар билан пенсион режалар: ходимларнинг бадаллари»га тузатишлар (2013 йилнинг ноябр ойида қабул қилинган ва 2014 йил 1 июлдан бошланган йиллик даврлар учун кучга киради). Тузатиш ташкилотларга, агар ходимлар бадалларининг миқдори ишланган йиллари сонига боғлиқ бўлмаса, ходимларнинг бутун хизмат даври мобайнида бадалларни белгилаш ўрнига, тегишли хизматни кўрсатган даврда ходимларнинг из ҳақини ушлаб қолиш сифатида тан олишга имкон беради. Ушбу тузатиш Компаниянинг молиявий ҳисоботида таъсир кўрсатмайди.

Ҳар йиллик такомиллаштиришлар ХМҲС, 2013 йил (2013 йилнинг декабр ойида қабул қилинган ва 2014 йил 1 июлдан бошланган йиллик даврлар учун, ўзгача қоида кўзда тутилмаган бўлса, кучга киради). Такомиллаштиришлар тўртта стандартларда ўзгартиришларни касб этади. 1-сонли ХМҲС (IFRS)нинг хулосалар асосига киритилган тузатиш стандартнинг янги версияси мажбурий эмас, лекин муддатидан илгари қўлланилиши мумкинлиги билан тушунтирилади; ХМҲС биринчи мартаба қўллаётган компания ҳисоботда кўрсатилаётган барча даврларга нисбатан айнан битта стандарт қўлланилиши шarti билан ушбу стандартнинг эски ёки янги версиясидан фойдаланиши мумкин. 3-сонли ХМҲС (IFRS)га ушбу стандарт 11-сонли ХМҲС (IFRS)га мувофиқ ҳар қандай ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилишини ҳисобга олинишига нисбатан қўлланилмаслигини тушунтирадиган тузатиш киритилган. Ушбу тузатиш шунингдек стандартни қўллаш соҳасидан истиснолар фақатгина ҳамкорликдаги фаолиятнинг ўзига доир молиявий ҳисобот учун амалда бўлишини тушунтиради. 13-сонли ХМҲС (IFRS)га тузатиш 13-сонли ХМҲС (IFRS)даги ташкилотга нетто-асосидаги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳининг адолатли қийматини баҳолаш имкониятини берадиган портфелга тааллуқли истиснони тушунтиради ҳамда 39-сонли ХМҲС (IAS)га ёки 9-сонли ХМҲС (IFRS)ларни қўллаш соҳаси доирасидаги барча шартномаларга (шу жумладан номолиявий моддалар олди-сотди шартномаларига) нисбатан қўлланилади. 40-сонли ХМҲС (IAS)га 40-сонли ХМҲС (IAS)га ва 3-сонли ХМҲС (IFRS)лар ўзаро истисно этувчи стандартлар ҳисобланмаслигини тушунтирадиган тузатиш киритилган. 40-сонли ХМҲС (IAS)даги раҳбарий кўрсатмалар ҳисобот тузувчиларига инвестицион кўчмас мулк ва эгаси томонидан эгалланган кўчмас мулкларни фарқлашга ёрдам беради. Ҳисоботлар тузувчиларига инвестицион кўчмас мулкнинг сотиб олиниши бизнесни бирлаштириш деб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини аниқлаш учун 3-сонли ХМҲС (IFRS)га раҳбарий қўлланмани ўрганиб чиқиш ҳам керак бўлади. Ушбу тузатиш Компаниянинг молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатмайди.

5 Янги ёки ўзгартиришлар стандартлар ва шарҳларни қўллаш (Давоми)

Ҳар йиллик такомиллаштиришлар ХМҲС, 2012 йил (2013 йилнинг декабр ойида қабул қилинган ва 2014 йил 1 июлдан бошланган йиллик даврлар учун, ўзгача қоида кўзда тутилмаган бўлса, кучга киради). Такомиллаштиришлар еттига стандартларда ўзгартиришларни касб этади. 2-сонли ХМҲС (IFRS)га «ўтказиш шартлари» атамасини белгилашга аниқлик киритиш учун тузатишлар киритилиб, «фаолият натижаларига эришиш шартлари» ва «хизмат кўрсатиш муддатлари шартлари» учун алоҳида аниқликлар киритилган. Тузатиш тақдим этиш санаси 2014 йил 1 июлга ёки ундан кейинги санага тўғри келадиган акцияларга асосланган тўловлар билан амалиётлар учун кучга киради. 3-сонли ХМҲС (IFRS)га (1) молиявий восита аниқланишига жавоб берувчи шартли қоплашни тўлаш бўйича мажбуриятлар 32-сонли ХМҲС (IAS)нинг таърифларига асосан молиявий мажбурият ёки капитал сифатида таснифланишини ҳамда (2) молиявий ҳамда номолиявий капитал ҳисобланмаган ҳар қандай шартли қоплаш ҳар бир ҳисобот санасига адолатли қиймат бўйича, адолатли қийматнинг

Ўзгаришлари эса фойда ёки зарарда акс эттирилади деб баҳоланишини тушунтирувчи тузатишлар киритилган. 3-сонли ХМҲС (IFRS)га киритиладиган тузатишлар сотиб олиш санаси 2014 йил 1 июлга ёки ундан кейинги санага тўғри келадиган бизнесни бирлаштириш учун кучга киради.

Қайта кўриб чиқилган 8-сонли ХМҲС (IFRS)га мувофиқ (1) операция сегментлар бирлаштирилганда чиқарилган раҳбариятнинг касбий фикр-мулоҳазалари, шу жумладан бирлаштирилган сегментлар ўхшаш иқтисодий хусусиятларга эгаллигига оид факт аниқланганда баҳоланган бирлаштирилган сегментлар ва иқтисодий кўрсаткичларга ниябатан маълумотлар ошкор этилиши, ҳамда (2) сегментлар активи ҳисоботида акс эттирилишида сегмент активлари ва компания активлари солиштирилишини бажариши зарур. 13-сонли ХМҲС (IFRS)даги хулосалар асосига киритилган тузатиш 13-сонли ХМҲС (IFRS) нашр этилганидан кейин 39-сонли ХМҲС (IAS)даги бир нечта хатбошилари чиқариб ташланиши дисконтлашнинг таъсири жиддий бўлмаган ҳолларда ҳисобварақда кўрсатилган миқдор бўйича қисқа муддатли дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини баҳолаш имкониятини бекор қилиш учун қилинмаганлигини тушунтиради. 16-сонли ХМҲС (IAS) ва 38-сонли ХМҲС (IAS)ларга ташкилот қайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланганда ялпи баланс қиймати ва жамланган амортизация ҳисобга олишда қай тарзда акс эттирилишини тушунтирадиган тузатишлар киритилган. Қайта кўриб чиқилган 24-сонли ХМҲС (IAS)га мувофиқ боғлиқ тараф бўлиб ҳисобот берувчи компанияга ёки ҳисобот берувчи компаниянинг бош компаниясига («бошқарувчи компания») катта раҳбарий ходимларни тақдим этиш хизматларини кўрсатувчи компания ҳам ҳисобланади ҳамда бошқарувчи компания томонидан ҳисобот берувчи компанияга кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган миқдорлар ҳақидаги маълумотларни очиб бериш зарурияти тўғрисидаги талабни киритади. Ушбу тузатиш Компаниянинг молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатмайди.

6 Бухгалтерия ҳисобининг янги стандартлари ва талқини

Компаниянинг 2016 йил 1 январ кунидан ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун мажбурий ҳисобланадиган ҳамда Компания муддатидан илгари қабул қилинган бир қатор янги стандартлар ва талқинлар нашр қилинган:

9-сонли ХМҲС (IFRS) «Молиявий воситалар: Тасниф ва баҳолаш» 8-сонли ХМҲС (IFRS) (2014 йилнинг ойида киритилган ўзгартиришлар билан, 2018 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Ушбу стандартнинг асосий фарқи қуйидагилардан иборат:

- Молиявий активлар баҳолашга доир учта тоифа: кейинчалик амортизация қиймати бўйича баҳоланадиган, ўзгартиришлари бошқа жами даромадлар таркибида акс эттириладиган кейинчалик амортизация қиймати бўйича баҳоланадиган, ҳамда ўзгартиришлари фойда ёки зарарлар таркибида акс эттириладиган кейинчалик амортизация қиймати бўйича баҳоланадиган бўйича таснифланади лозим.

- Улуш воситаларига инвестициялар ҳар доим адолатли қиймат бўйича баҳоланиши лозим. Бунда, раҳбарият ўзгартирилиши мумкин бўлмаган восита савдо учун мўлжалланган бўлмаса, адолатли қиймат ўзгартиришларини бошқа жами даромадлар таркибида акс эттириш борасида қарорни қабул қилиши мумкин. Агар улуш воситаси савдо учун мўлжалланган бўлса, адолатли қийматнинг ўзгариши фойда ёки зарар таркибида кўрсатилади.

6 Бухгалтерия ҳисобининг янги стандартлари ва талқини (Давоми)

- Қарз воситаларининг таснифи ташкилотнинг молиявий активларини бошқариш бўйича бизнес-моделига ҳамда шартнома билан кўзда тутилган пул маблағлари оқими асосий қарз ва фоизлар ҳисобига тўловлар бўлиб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигига боғлиқ бўлади. Агар қарз воситаси пул олиш учун мўлжалланган бўлса, у фақатгина асосий қарз ва фоизлар ҳисобига тўловларни кўзда тутса амортизация қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин. Фақатгина асосий қарз ва фоизлар ҳисобига тўловларни кўзда тутадиган ҳамда портфелда сақланадиган қарз воситалари, агар ташкилот уларни активлар бўйича пул оқимларини олиш учун ушлаб қолса ҳам, активларни сотса ҳам, улар бошқа жами даромадлар таркибида кейинчалик адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган сифатида таснифланиши мумкин. Фақатгина асосий қарз ва фоизлар ҳисобига тўловлар деб ҳисобладиган пул оқимларига эга бўлмаган молиявий активларни ўзгартиришлар фойда ёки зарар таркибида акс эттириладиган адолатли қиймат бўйича (масалан, молиявий воситалар ҳосилалари) баҳолаш зарур. Киритилган воситалар ҳосилалари молиявий активлардан ажратилмайди, лекин фақатгина асосий қарз ва фоизлар ҳисобига тўловларни кўзда тутадиган шартни баҳолашда ҳисобга олинади.

- 39-сонли ХМҲС (IAS) талабларининг молиявий мажбуриятлар таснифланиши ва баҳоланишига доир кўп қисми 24-сонли ХМҲС (IFRS)га ўзгартирилмаган ҳолда ўтказилган. Унинг асосий фарқи ташкилотга нисбатан фойда ёки зарарлар таркибида, бошқа жами даромадлар таркибида адолатли қиймат бўйича акс эттириладиган тоифага киритилган молиявий мажбуриятлар бўйича ўз кредит таваққалининг ўзгаришлари эффектини очиб беришга доир қўйиладиган талабдан иборат.

- 9-сонли ХМҲС (IFRS) кадрсизланишдан қурилган зарарларни тан олиш борасида янги моделни: эҳтимолий кредит зарарлари моделини киритади. Молиявий активлар дастлаб тан олинган пайтдан эътиборан кредит сифатининг ўзгаришига асосланган «уч босқичли» ёндашув мавжуд. Амалда эса янги қоидалар молиявий активлар дастлабки тан олиншида ташкилотлар кадрсизланишдан қўрилган кредит зарарлар ҳисобланмайдиган 12 ой учун эҳтимолий кредит зарарлари миқдорида (ёки савдо дебиторлик қарздорлиги учун молиявий воситанинг бутун муддати учун эҳтимолий кредит зарарлари миқдорида) дарҳол тан олиши лозимлигини аниқлатади. Кредит таваккали жиддий ошиши рўй берганда, кадрсизланиш молиявий воситанинг бутун муддати учун эҳтимолий кредит зарарларидан келиб чиқиб, эҳтимолий кредит зарарлари асосида бўлмаганда эса 12 ой учун баҳоланади.

- Хеджирлашни ҳисоблаш олишга қўйиладиган талабларга таваккаллари бошқариш ҳисобга олиншига янада мувофиқ келиши учун тузатишлар киритилган. Стандарт ташкилотларга 9-сонли ХМҲС (IFRS)да кўрсатилган хеджирлашни ҳисоблаш олишга қўйиладиган талабларни қўллаган ҳолда ҳисоб сийёсати ҳамда хеджирлашнинг барча воситаларига 39-сонли ХМҲС (IAS)ни қўлланилишини давом эттириш ўртасида танлаш имкониятини беради, чунки ҳозирги кунда стандарт макрохеджирлаш ҳолатлари учун ҳисобга олишни кўзда тутмайди.

Ҳозирги кунда раҳбарият Компаниянинг молиявий ҳисоботида янги стандартнинг таъсир кўрсатишини баҳолаш ишларини амалга оширмақда.

14-сонли ХМҲС (IFRS) «Кечиктирилган тариф фарқлари ҳисобварақлари» (2014 йилнинг январ ойида қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). 14-сонли ХМҲС (IFRS) ХМҲС бўйича молиявий ҳисоботни биринчи бор тузувчи ташкилотларга ХМҲСга аввалги БХҲТ талабларига мувофиқ тартибга солинадиган тарифлар билан амалга ошириладиган фаолиятга тааллуқли миқдорларга ўтишда тан олишга рухсат беради. Бироқ ХМҲСни қўллаётган, лекин бундай миқдорларни тан олмайдиган ташкилотлар билан солиштириш даражасини ошириш учун стандарт тарифларни бошқаришнинг таъсири бошқа моддалардан алоҳида ифодаланишини талаб этади. Ушбу стандарт ХМҲСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботни тақдим этадиган ташкилотларга татбиқ этилмайди. Ҳозирги кунда раҳбарият Компаниянинг молиявий ҳисоботида янги стандартнинг таъсир кўрсатишини баҳолаш ишларини амалга оширмақда.

11-сонли ХМҲС (IFRS) «Ўзаро операцияларда иштирок этиш улушларини сотиб олиш бўйича битимларни ҳисобга олиш»га тузатишлар (2014 йил 6 майда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Ушбу тузатиш бизнесни ифодаловчи ўзаро операцияларда иштирок этиш улушларини сотиб олиш бўйича битимларни ҳисобга олишга нисбатан янги раҳбарий қўлланмани киритади. Ҳозирги кунда раҳбарият Компаниянинг молиявий ҳисоботида янги стандартнинг таъсир кўрсатишини баҳолаш ишларини амалга оширмақда.

6 Бухгалтерия ҳисобининг янги стандартлари ва талқини (Давоми)

16-сонли ХМҲС (IAS) ва 38-сонли ХМҲС (IAS) «Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясини ҳисоблашга доир мақбул усулларни тушунтириш»га тузатишлар (2014 йил 12 майда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Ушбу тузатишда ХМҲСҚ Бошқаруви актив амортизациясини ҳисоблаб чиқариш учун тушумга асосланган усуллардан фойдаланиб бўлмайди, чунки активдан фойдаланишни кўзда тутадиган фаолиятдан олинган тушум одатда ушбу актив билан боғлиқ иқтисодий фойдалар қўллашдан фарқ қиладиган омилларни ҳисобга олади. Ҳозирги кунда Компания ушбу ўзгартириш молиявий ҳисоботга қай тарзда таъсир кўрсатишини баҳоламоқда.

15-сонли ХМҲС (IFRS) «Мижозлар билан шартномалар бўйича тушум» (2014 йил 28 майда қабул қилинган ва 2018 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Янги стандарт асосий тамойилни киритади ва унга кўра тушум товарлар ёки хизматлар миқдорига битим нархи бўйича топширилган тан олинши лозим. Товарлар ёки хизматларнинг ҳар қандай алоҳида партиялари алоҳида тан олинши, шартнома қийматидан камайтирилган нархлар ва ретроспектив камайтирилган нархлар эса, одатда, алоҳида сегментларга тақсимланади. Агар мукофотнинг миқдори бирорта сабабларга кўра ўзгарса, минимал миқдорлар қайта кўришнинг жиддий таваккалига мойиллиги бўлмаса, уларни тан олиш лозим. Мижозлар билан шартномаларни таъминлашга доир харажатлар шартнома бўйича фойда олиш муддати мобайнида капитализация ва амортизация қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалиги: 16-сонли ХМҲС (IAS) ва 41-сонли ХМҲС (IAS)ларга тузатишлар «Қишлоқ хўжалиги: Мевали ўсимликлар» (2014 йил 30 июнда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган йиллик даврлар учун кучга киради). Ушбу тузатишлар узум, каучук дарахтлари ва мойли пальмалар каби мевали ўсимликларни ҳисобга олишга ёндашувни ўзгартиради, улар ҳозир асосий воситалар каби ҳисобга олинши лозим, чунки улар билан операциялар, аслида ишлаб чиқариш жараёнига ўхшайди.

Тегишинча, тузатишлар бундай ўсимликларни 41-сонли ХМҲС (IAS)нинг ўрнига 16-сонли ХМҲС (IAS)ни қўллаш соҳасига киритади. Мевали ўсимликларда етилаётган ҳосил 41-сонли ХМҲС (IAS)ни қўллаш соҳасида қолади. Ҳозирги кунда Компания ушбу ўзгартириш молиявий ҳисоботга қай тарзда таъсир кўрсатишини баҳоламоқда.

«Инвестиция компаниялари учун консолидацияланган озод қилишни қўллаш» — 10-сонли ХМҲС (IFRS), 12-сонли ХМҲС (IFRS) ва 28-сонли ХМҲС (IAS)ларга тузатишлар (2014 йил августда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган йиллик даврлар учун кучга киради). Ушбу тузатишлар инвестицион компания ўз инвестицияларини инвестицион компаниялар бўлиб ҳисобланувчи шўба ташкилотларга баҳолаши шартлигини тушунтиради. Бундан ташқари, кўрсатилган ташкилотнинг якуний ёки ҳар қандай бош ташкилоти очик фойдаланиш учун рухсат этилган консолидация қилинган молиявий ҳисоботни тақдим этган ҳолларда консолидацияланган ҳисоботни тузишдан озод қилиш талаби, ушбу истисно шўба ташкилоти консолидацияга киритилганлиги ёки киритилмаганлиги ёхуд кўрсатиб ўтилган якуний ёки ҳар қандай оралик бош ташкилотнинг консолидацияланган молиявий ҳисоботида 10-сонли ХМҲС (IFRS)га мувофиқ фойда ёки зарарлар орқали адолатли қимат бўйича баҳоланганлиги ёки баҳоланмаганлигидан қатъи назар қўлланилишига доир тушунтириш билан тўлдирилган. Ҳозирги кунда Компания ушбу ўзгартириш молиявий ҳисоботга қай тарзда таъсир кўрсатишини баҳоламоқда.

«Алоҳида молиявий ҳисоботда улушли иштирок этиш усулини қўллаш» — 27-сонли ХМҲС (IAS)га тузатишлар (2014 йил 12 августда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган йиллик даврлар учун кучга киради). Ушбу тузатишлар ташкилотларга ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида шўба, қўшма ва бирлашган ташкилотларга инвестицияларни ҳисобга олиш учун улушли иштирок этиш усулини қўллаш имконини беради. Ҳозирги кунда Компания ушбу ўзгартириш молиявий ҳисоботга қай тарзда таъсир кўрсатишини баҳоламоқда.

«Инвестор томонидан бирлашган ташкилотга ёки қўшча корхонага активларни сотиш ёки киритиш» — 10-сонли ХМҲС (IFRS) ва 28-сонли ХМҲС (IAS)ларга тузатишлар (2014 йил 11 сентябрда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Ушбу тузатишлар 10-сонли ХМҲС (IFRS) ва 28-сонли ХМҲС (IAS)лар ўртасидаги инвестор томонидан бирлашган ташкилотга ёки қўшча корхонага активларни сотиш ёки киритиш тааллуқли талаблар ўртасидаги номувофиқликларни баргараф этади. Тузатишларни қўллашнинг асосий оқибати битим бизнесга алоқадор бўлган ҳоллардагина фойда ёки зарарлар тўлиқ ҳажмда тан олинмишидан иборат. Агар активлар бизнесни касб этмаса, фойда ёки зарарнинг, ҳаттоки ушбу активларга шўба ташкилоти эгалик қилса ҳам, фақатгина бир қисми тан олинади. Ҳозирги кунда Компания ушбу ўзгартириш молиявий ҳисоботга қай тарзда таъсир кўрсатишини баҳоламоқда.

6 Бухгалтерия ҳисобининг янги стандартлари ва талқини (Давоми)

Халқаро молиявий ҳисобот стандартларини ҳар йили такомиллаштириш, 2014 йил (2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Тузатишлар тўртта стандартга таъсир кўрсатади. 5-сонли ХМҲС (IFRS)га тузатишларнинг мақсади — бу чиқариб ташлаш («сотиш учун мўлжалланган» тоифасидан «таксимлаш учун мўлжалланган» тоифасига ўтказиш ёки унинг акси) усулини ўзгартириш сотиш ёки таксимлаш режасини ўзгартириш бўлиб ҳисобланмайди ҳамда ҳисоботда ушбу режани ўзгартириш сифатида акс этирилиши керак эмас. 7-сонли ХМҲС (IFRS)га тузатишларда раҳбариятга бошқа шахсга ўтказилган молиявий активга хизмат кўрсатиш келишувининг шартлари 7-сонли ХМҲС (IFRS) талабларига мувофиқ маълумотларни ошкор қилиш учун давом этаётган иштирок мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлашга ёрдам берадиган қўшимча кўрсатмалар келтирилган. Бундан ташқари, тузатишларда 7-сонли ХМҲС (IFRS)да келтирилган ўзаро ҳисобни амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишга доир талаблар оралик молиявий ҳисоботга нисбатан қўлланилиши борасида мавжуд эмаслиги тушунтирилади, 34-сонли ХМҲС (IAS)га мувофиқ талаб этилган ҳоллар бундан мустасно. 19-сонли ХМҲС (IAS)га тузатишларда меҳнат фаолияти яқунланганлиги сабабли мукофотларни тўлаш мажбуриятларига нисбатан дисконтлаш ставкаси, юқори сифатли корпоратив облигацияларнинг ривожланган бозори («чуқур бозор») мавжудлигига тааллуқли қарорлар ёки мўлжал сифатида қайта давлат облигацияларидан фойдаланиш борасида қарорлар ушбу мажбуриятлар юзага келадиган мамлакатнинг валютасида эса, балки мажбуриятлар ифодаланган валютага асосланган бўлиши лозимлиги тушунтирилади. 34-сонли ХМҲС (IAS)да янги талаб киритилган бўлиб, унга кўра оралик молиявий ҳисоботда «оралик молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларида» жойлашган жойига оид ўзаро боғлиқ ҳавола кўрсатилиши лозим. Ҳозирги кунда Компания ушбу ўзгартириш молиявий ҳисоботга қай тарзда таъсир кўрсатишини баҳоламоқда.

«Маълумотларни ошкор қилиш» — 1-сонли ХМҲС (IAS)га тузатишлар (2014 йил декабрда қабул қилинган ва 2016 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Стандартга муҳимлилик тушанчасига аниқлик киритувчи ҳамда ташкилот ХМҲС

билан талаб этиладиган маълумотлар муҳим бўлмаса, уларни ошкор этиши шарт эмаслигини, бундай ошкор этишлар муайян халқаро молиявий ҳисобот стандартининг талаблари рўйхатига киритилган бўлса ёки ошкор этилиши ўта муҳим бўлмаган деб ҳисобланса ҳам, тушунтирувчи тузатишлар киритилган. Стандартга молиявий ҳисоботда оралик якуний миқдорлар кўрсатилиши борасида янги раҳбарий қўлланма ҳам киритилган бўлиб, унга кўра оралик якуний миқдорлар: (а) тан олиниши ва баҳоланиши ХМҲСга мувофиқ амалга ошириладиган моддаларни ўз ичига олиши лозим; (б) оралик якуний миқдорларнинг компонентлари тушунарли бўлишининг таъминланганлиги тарзида тақдим этилиши ва кўрсатилиши лозим; ва (г) шу тариқа акс эттирилган бўлиши лозимки, уларнинг тақдим этилиши оралик якуний миқдорлар ва ХМҲС билан талаб этиладиган якуний миқдорлар тақдим этилишидан кўпроқ урғу берилиши керак эмас.

16-сонли ХМҲС (IFRS) «Ижара» (2016 йил январда қабул қилинган ва 2019 йил 1 январдан бошланадиган ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврлар учун кучга киради). Янги стандарт ҳисоботда ижара амалиётларига нисбатан ахборотнинг тан олишини, баҳоланиши, тақдим этилиши ва ошкор этилиши тамойилларини белгилайди. Барча ижара шартномалари ижарага олувчи томонидан ижара шартномаси амал қилиш муддати бошланган вақтдан активдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишига, шунингдек ижара тўловлар вақт даври мобайнида амалга ошириладиган бўлса, молиялаштиришга олишига олиб келади. Шунга кўра, 16-сонли ХМҲС (IFRS) ижара 17-сонли ХМҲС (IAS)да кўзда тутилганидек операцион ёки молиявий сифатида таснифланишини бекор қилиб, бунинг ўрнига ижарага олувчилар учун ижара операцияларини ҳисобга олишнинг ягона моделини киритади. Ижарага олувчилар қуйидагиларни: (а) амал қилиш муддати 12 ойдан ошадиган барча ижара шартномаларига нисбатан активлар ва мажбуриятлар, ижара объектнинг қиймати унча катта бўлмаган ҳоллар бундан мустасно; ва (б) фойда ва зарарлар ҳисоботида ижара объектлари амортизациясини ижара мажбуриятлари бўйича фойзалардан алоҳида тан олиши лозим бўлади. Ижарага ҳисобга олиш борасида 16-сонли ХМҲС (IFRS) ижарага олувчисидан моҳиятан 17-сонли ХМҲС (IAS) билан кўзда тутилган ҳисобга талаблар сақланади. Шундай қилиб, ижарага олувчи ижарага шартномаларини операцион ёки молиявий ижара сифатида таснифлашни, ва тегишинча уларни ҳисоботларда ҳар хил тарҳда акс эттиришни давом эттиради.

Агар юқорида ўзгача қоида кўрсатилмаган бўлса, ушбу янги стандартлар ва талқинлар Компаниянинг молиявий ҳисоботларига жиддий таъсир кўрсатмаслиги кутилмоқда.

7 Сегментлар бўйича ахборот

Операцион сегментлар хўжалик фаолиятини амалга оширувчи компонентларни ифодалайди, ва бунда улар тушумни бошқариши ёки харажатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, сегментларнинг операцион натижалари мунтазам равишда олий оператив бошқарув органи томонидан таҳлил қилинади, ва операцион сегментлар учун алоҳида молиявий ахборот мавжуд. Олий оператив бошқарув органи ягона шах сёки бир гуруҳ шахслар томонидан ифодаланиши мумкин бўлиб, улар заҳираларни тақсимлайди ва компания фаолиятининг натижаларини баҳолайди. Олий оператив бошқарув органининг вазифасини Компаниянинг Бошқаруви бажаради.

(а) Сотилишидан ҳар бир ҳисобот сегменти тушум оладиган маҳсулотлар ва хизматларнинг таърифи

Бошқарувчилик мақсадида Компания иккита асосий операцион сегментлар доираси ўз фаолиятини амалга оширади:

- Майдаланган оҳактошни ишлаб чиқариш;
- Молоз тошини ишлаб чиқариш.

(б) Раҳбарият ҳисобот сегментларини аниқлаш учун қўллайдиган омиллар

Молиявий ахборотнинг қайси кесишувчи тўпламлар учун операцион сегментлар асосини шакллантириш лозимлигини аниқлаш учун раҳбарият 8-сонли ХМҲС (IFRS) «Операцион сегментлар»нинг асосий тамойиллини қўллади.

(с) Операцион сегментларнинг фойда ёки зарарлари, активлари ва мажбуриятларини баҳолаш

Олий оператив бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган ва ички ҳисоботларни тайёрлар талабларини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилган молиявий ахборотни таҳлил қилади. Бундай молиявий ахборот бир қатор жиҳатларда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларидан фарқ қилади:

- (i) кечиктирилган солиқлар сегментлар бўйича тақсимланмайди;

(ii) дебиторлик қарздорлиги бўйича захиралар 39-сонли ХМҲС (IAS) билан кўзда тутилган кўрилган зарарлар моделига мувофиқ эмас, балки раҳбариятда мавжуд бўлган касбий фикр-мулоҳазалар ва мавжуд бўлган ахборотлар асосида тан олинади;

(iii) асосий воситаларни маҳаллий қайта баҳолаш.

(d) Ҳисобот сегментларининг фойда ёки зарарлари, активлари ва мажбуриятларини тўғрисида ахборот

Натижада Компаниянинг барча операцион активлари ҳамда Компанияга хизматларнинг кўп қисми Ўзбекистон Республикаси жойлашган ва кўрсатилади.

Сегмент тушуми ташқи сотиб олувчиларга сотувлар ёки бошқа сегментлар билан операциялар бўлишидан қатъи назар сегментга нисбатан бевосита қўлланиладиган тушум ҳисобланади. Сегмент тушуми:

- чет эл валютасини қайта баҳолашдан олинган даромадлар;
- асосий воситаларни сотишдан олинган фойда;
- хоналарни ижарага беришдан олинган даромад;
- бошқа даромадларни ўз ичига олмайди.

Сегмент харажатлари — бу бевосита сегментга нисбатан қўлланиладиган сегментнинг операцион фаолияти натижасида юзага келувчи харажатлар бўлиб, харажатнинг тегишли улуши сегментлар ўртасида оқилона тақсимланиши мумкин, шу жумладан ташқи сотиб олувчиларга сотувларга тааллуқли харажатлар ва бошқа сегментлар билан операцияларга тааллуқли харажатлардир.

Сегмент харажатлари:

- фоиз харажати;
- чет эл валютасини қайта баҳолашдан олинган зарарлар;
- жорий фойда солиғи бўйича харажатлар;
- бошқа харажатларни ўз ичига олмайди.

7 Сегментлар бўйича ахборот (Давоми)

Сегмент натижаси сегмент харажатлари чегирилган ҳолда сегмент тушуми сифатида ҳисоблаб чиқилади.

(e) Маҳсулотлар ва хизматлар кесимида тушумнинг таҳлили

Компаниянинг маҳсулотлар ва хизматлар кесимидаги тушумининг таҳлили 20-сонли Изоҳ (тушум) ва 23-сонли Изоҳ (бошқа операцион даромад)ларда келтирилган.

(f) Географик маълумотлар

Компаниянинг барча операцион активлари ҳамда Компанияга хизматларнинг кўп қисми Ўзбекистон Республикаси жойлашган ва кўрсатилади.

8 Боғлиқ тарафлар билан ҳисоб-китоблар ва амалиётлар

Тарафлар умумий назорат остида бўлса ёки тарафдан бири бошқа тарафни назорат қилиш имкониятига эга бўлса ёки у томонидан молиявий-хўжалик фаолиятига доир масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки унинг устидан ўзаро назоратни амалга ошириш имкониятига эга бўлса, одатда боғлиқ тарафлар деб ҳисобланади. Ҳар бир эҳтимолий боғлиқ тараф билан ўзаро муносабатларни кўриб чиқишда бундай ўзаро муносабатларнинг нафақат юридик шакли, балки иқтисодий мазмуни ҳам эътиборга олинади.

Қуйидаги жадвалда асосий раҳбариятга мукофотлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади:

минг сўмда	2015		2014		2014	
	Харажатлар	Ҳисобланган мажбурият	Харажатлар	Ҳисобланган мажбурият	Харажатлар	Ҳисобланган мажбурият
Иш ҳақи	117 056	66 532	154 277	82 323	135 552	71 405
Жами	117 056	66 532	154 277	82 323	135 552	71 405

Қисқа муддатли пул мукофотлари раҳбарият тегишли хизматлар кўрсатган давр яқунланганидан кейин 12 ой мобайнида тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим.

9 Асосий воситалар

Асосий воситалар баланс қийматининг ўзгаришлари қуйида келтирилган:

<i>минг сўмда</i>	Бинолар	Машина ва асбоб-ускуналар	Мебел, офис ва компьютер ускуналари	Транспорт воситалари	Бошқа асосий воситалар	Жами асосий воситалар
2013 йил 1 январ ҳолатига дастлабки қиймат	1 018 182	1 017 381	158 500	2 172 547	291 917	4 659 527
Тўпланган амортизация	(477 712)	(638 636)	(91 807)	(1 188 565)	(141 153)	(2 537 873)
2013 йил 1 январ ҳолатига баланс қиймати	540 470	378 745	66 693	984 982	150 764	2 121 654
Тушумлар	-	-	3 155	-	3 267	6 422
Чиқариб ташлашлар	-	(2 314)	-	-	-	(2 314)
Амортизацион чегирмалар	(52 157)	(66 982)	(31 593)	(315 441)	(30 330)	(496 503)
2013 йил 31 декабр ҳолатига баланс қиймати	488 313	309 449	38 255	669 541	121 701	1 629 259
2013 йил 31 декабр ҳолатига дастлабки қиймат	1 018 182	1 015 067	161 655	2 173 547	295 184	4 663 635
Тўпланган амортизация	(529 869)	(705 618)	(123 400)	(1 504 006)	(171 483)	(3 034 376)
Тушумлар	-	551 530	18 353	534 120	163 099	1 267 102
Чиқариб ташлашлар	-	-	-	-	(11 706)	(11 706)
Амортизацион чегирмалар	(54 015)	(111 055)	(22 662)	(338 522)	(20 913)	(547 167)
2014 йил 31 декабр ҳолатига баланс қиймати	434 298	749 924	33 946	865 139	254 181	2 337 488
2014 йил 31 декабр ҳолатига дастлабки қиймат	1 018 182	1 566 597	180 008	2 707 667	446 577	5 919 031
Тўпланган амортизация	(583 884)	(816 673)	(146 062)	(1 842 528)	(192 396)	(3 581 543)
Тушумлар	-	79 978	-	-	-	79 978
Чиқариб ташлашлар	(170 549)	(2 168)	(407)	(1 015 073)	(11 918)	(1 200 115)
Амортизацион чегирмалар	23 328	(151 360)	(18 968)	424 315	(16 491)	260 824
2015 йил 31 декабр ҳолатига баланс қиймати	287 077	676 374	14 571	274 381	225 772	1 478 175
2015 йил 31 декабр ҳолатига дастлабки қиймат	847 633	1 644 407	179 601	1 692 594	434 659	4 798 894
Тўпланган амортизация	(560 556)	(968 033)	(165 030)	(1 418 213)	(208 887)	(3 320 719)

10 Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
«Ўзсаноатқурилиш» АТБ Мирзо-Улуғбек бўлинмаси	11 678	11 678	8 168
«Ипотека банк» АИТБ Сангзор бўлинмаси	2 839	2 839	2 839
«Эски шаҳар универсал бозори» АЖ	2 207	2 207	2 207
Сотишга мавжуд бўлган жами инвестициялар	16 724	16 724	13 214

11 Товар-моддий захиралар

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
Эҳтиёт қисмлар	401 753	859 289	743 185
Яқунланмаган ишлаб чиқариш	257 625	464 078	281 241

Хом-ашё ва материаллар	137 563	247 088	249 656
Инвентар ва хўжалик жиҳозлари	66 765	95 401	82 458
Тайёр маҳсулот	4 781	970 365	2 508 067
Бошқа материаллар	27 111	75 180	58 931
Жами товар-моддий захиралар	16 724	16 724	13 214

12 Берилган қарзлар

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
«Новоджизакский ИЗ» МЧЖ	11 678	11 678	8 168
«70-сонли Автокорхона» МЧЖ	2 839	2 839	2 839
Олишга ҳисобланган фоизлар	2 207	2 207	2 207
Жами берилган қарзлар	16 724	16 724	13 214

Барча берилган қарзлар ҳисобот саналарга келиб муддат ўтказиб юборилган ҳам қадрсизланган ҳам бўлмайди.

13 Савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
Савдо дебиторлик қарздорлиги	3 700 709	2 090 769	1 168 027
Минус: қадрсизланиш остидаги резерв	(51 421)	(45 212)	(25 845)
Дебиторлик қарздорлиги таркибидаги жами молиявий активлар	3 649 288	2 045 557	1 142 182
Олдиндан тўланган солиқлар	32 083	19 104	37 305
Жами дебиторлик қарздорлиги	-	129 486	114 116
Жами савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги	3 681 371	2 194 147	1 293 603

Қуйидаги жадвалда савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлигининг қадрсизланиши остига захиранинг ўзгариши келтирилади:

<i>минг сўмда</i>	2015 Савдо дебиторлик қарздорлиги	2014 Савдо дебиторлик қарздорлиги	2013 Савдо дебиторлик қарздорлиги
1 январ ҳолатига қадрсизланиш остига захира	45 212	25 845	12 010
Йил мобайнида қадрсизланиш остига захирага чегирмалар	6 209	19 367	13 835
31 декабр ҳолатига қадрсизланиш остига захира	51 421	45 212	25 845

13 Савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги (Давоми)

Дебиторлик қарздорлиги миқдорлари захиралар ва бошқа активлар билан таъминланмаган.

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
Муддати ўтказиб юборилган ҳам қадрсизланган ҳам ҳисобланмайдиган қарздорлик			
— Ўзбекистоннинг йирик компаниялари – рейтингсиз	2 572 814	1 325 001	712 446
— Кичик ва ўрта корхоналар – рейтингсиз	613 687	313 646	197 131
Жами муддати ўтказиб юборилган ҳам қадрсизланган ҳам ҳисобланмайдиган миқдорлар	3 186 501	1 638 647	909 577
Муддати ўтказиб юборилган, лекин қадрсизланмаган			
— Ўзбекистоннинг йирик компаниялари – рейтингсиз	514 208	452 122	258 450
Жами муддати ўтказиб юборилган, лекин қадрсизланмаган миқдорлар	514 208	452 122	258 450
Қадрсизланиш остига захира чегирилган ҳолда	(51 421)	(45 212)	(25 845)
Жами	3 649 288	2 045 557	1 142 182

Компания 39-сонли ХМҲС (IAS) «Молиявий воситалар: тан олиш ва баҳолаш» билан кўзда тутилган портфел бўйича захирани тузиш методологиясидан фойдаланиб, портфел қардсизланишидан кўрилган, бироқ ҳисобот даврининг охирига келиб улар аниқ савдо дебиторлик қарздорлиги билан алоқаси идентификация қилинмаган зарарларни қоплаш учун захирани тузди.

Компаниянинг сиёсати ҳар бир савдо дебиторлик қарздорлигини ушбу савдо дебиторлик қарздорлигининг қардсизланишига доир аниқ объектив аломатлари аниқлангунга қадар «муддат ўтказиб юборилмаган ва қардсизланмаган» деб таснифланишини кўзда тутди. Ушбу сиёсатни ҳамда портфел қардсизланишининг ҳисоб-китоби методологиясини қўллаш натижасида қардсизланиш остига захиралар яқка тартибда қардсизланган савдо дебиторлик қарздорлигининг умумий жами миқдоридан ошиши мумкин.

Савдо дебиторлик қарздорлигининг қардсизланишига доир масалани кўриб чиқишда Компания эътиборга олагина асосий мезонлар бўлиб унинг муддати ўтказиб юборилган мақоми ҳамда гаров таъминоти мавжуд бўлганда уни сотиш имконияти ҳисобланади. Шунга асосан Компания томонидан яқка тартибда қардсизланган сифатида белгиланган савдо дебиторлик қарздорлигининг муддатлари бўйича таҳлил юқорида келтирилган.

Муддати ўтказиб юборилган, лекин қардсизланмаган савдо дебиторлик қарздорлиги асосан таъминланган савдо дебиторлик қарздорлигини ўз ичига олади ҳамда улар бўйича таъминотнинг адолатли қиймати фоизлар ва асосий миқдорнинг муддати ўтказиб юборилган тўловларни қоплайди. Муддати ўтказиб юборилган, лекин қардсизланмаган деб акс эттирилган миқдорлар нафақат алоҳида тўловларнинг муддати ўтказиб юборилган миқдорларни эмас, балки бундай савдо дебиторлик қарздорлиги бўйича бутун қолдиқни ифодалайди.

14 Етказиб берувчиларга тўланган бўнақлар

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
«FARISHCEMENT» МЧЖ	1 100 735		
«Новоджизакский ИЗ» МЧЖ	936 718	413 968	193 801
«Atex-Bild-Servis Konstruktion» МЧЖ	152 260	152 260	152 260
«Energiya ko LTD» фирмаси	50 419	54 716	-
«SEKTOR BIZNES FAYZ» МЧЖ	30 000	30 000	-
«ATTON STORY» МЧЖ	19 777	19 777	19 777
«GANIMAT ISHONCH SAVDO SERVIS» МЧЖ	15 000	15 000	-
«ЎЗРТХАБ» ОАЖ РКП	3 035	55 899	12 202
«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК	958	958	19 873
Вторчермет	582	14 993	12 893
«КОНЧИ» МЧЖ	-	-	114 500
«Grant mega optima» МЧЖ			24 900
«COUNCUL» Адвокатлик фирмаси	-	-	15 000
«MOBIL OI; SERVIS» МЧЖ	-	-	10 885
«UZSNABSBITSERVIS» МЧЖ	-	25 000	-
Бошқалар	67 592	114 532	75 769
Жами етказиб берувчиларга тўланган бўнақлар	2 404 077	897 103	651 860

15 Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
Талаб қилиб олингунча банк ҳисобварақларидаги қолдиқлар – СЎМ	1 031	64 007	5 146
Талаб қилиб олингунча банк ҳисобрақамларидаги қолдиқлар – махсус ҳисобрақам	-	1	1 309
Жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 031	64 008	6 454

Ҳар бир ҳисобот даврининг охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари муддати ўтказиб юборилмаган ва қардсизланмаган ҳисобланиб, Moody's "B1" рейтинги билан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБдаги ҳисобрақамларда қолдиқларни ифодалайди.

16 Акциядорлик капитали

Акциядорлик капиталининг 914 424 минг сўм миқдоридаги дастлабки миқдори Жиззах вилояти Фориш тумани Ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 3 июл куни 187/10-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Уставга биноан белгиланган. Ҳар бир акциянинг номинал киймати 1 850 сўм миқдорида белгиланган.

2015 йил 31 декабр ҳолатига барча чиқарилган оддий акциялар тўлиқ ҳажмда тўланган. Ҳар бир оддий акция битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

Йил давомида қуйидаги дивидендлар эълон қилинди ва тўланди:

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
1 январь ҳолатига дивидендлар бўйича кредиторлик қарздорлиги	70 652	70 652	70 652
Йил давомида эълон қилинган дивидендлар	-	-	-
Йил давомида тўланган дивидендлар	(70 652)	-	-
31 декабрь ҳолатига дивидендлар бўйича кредиторлик қарздорлиги	-	70 652	70 652

16 Акциядорлик капитали (Давоми)

Барча дивидендлар ўзбек сўмларида эълон қилинади ва тўланади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тузилган бухгалтерия ҳисоботининг маълумотлари асосида ўз фойдасини дивидендлар сифатида тақсимлайди. Фойдани тақсимлаш ва ундан ўзгача тарзда фойдаланиш Компаниянинг Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тузилган бухгалтерия ҳисоботининг маълумотлари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ соф фойда тақсимланиши лозим. Бироқ фойда тақсимланишини тартибга солувчи қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар турли талқинларга эга бўлиши мумкин, шу сабабли раҳбарият ҳозирги кунда ушбу молиявий ҳисоботдаги тақсимланаётган захиралар миқдорини ошқор қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

17 Савдо ва бошқа кредиторлик қарздорлиги

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
Дивидендлар бўйича қарздорлик	-	70 652	70 652
Ўтказиб берувчиларга тўлаш учун ҳисобварақлар	903 664	1 016 593	814 079
Савдо ва бошқа кредиторлик қарздорлиги таркибидаги жами молиявий кредит қарздорлиги	903 664	1 087 245	884 731
Ходимларга ҳисобланган муқофот	79 633	405 995	115 648
Тўловга солиқлар	113 151	256 681	207 567
Республика мақсадли жамғармаларига тўловлар	122 354	295 281	242 562
Бошқалар	12 666	25 940	17 459
Жами савдо ва бошқа кредит қарздорлиги	1 231 468	2 071 142	1 467 967

18 Олинган бўнақлар

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
Олмалик тоғ-кон комбинати АЖ	38 157	166 000	-
64-47 Жазони ижро этиш муассасаси	20 187	20 187	11 586
«Ўзметкомбинат» АИЧБ	16 262	-	-
«LIZZAX TOG' KONKIMYO» МЧЖ	10 479	-	6 829
Фаришский ТҲХРТФК	3 044	3 044	3 044
«Хоразм махсус кўчма механизациялашган» УК	2 818	2 818	2 818
«Хамкор Инвест Престиж» МЧЖ	2 435	2 435	2 435
ИИБ ЖИЭББ 64/51 УЯ муассасаси	1 863	2 967	1 863
«PENG SHENG» МЧЖ ҚК	1 017	153	43 002
Бекободцемент АЖ	765	-	58 745
«Хоразм шакар» АЖ ҚК	384	-	30 061
«GIDROTEXNIK INSHOATLAR QURILISH DIREKSIYASI» УК	-	22 391	-
«PREMIUM UNIVERSAL TRADE» МЧЖ	-	2 973	-

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
«Навои Эсперанто» МЧЖ	-	-	15 769
«GLOBAL TRADE» МЧЖ	-	-	3 377
Джизакский ТУХРТФК	-	1 206	1 205
Бошқалар	5 629	4 828	3 209
Жами олинган бўнақлар	102 038	229 002	183 932

19 Кредитлар ва қарзлар

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
<i>Қисқа муддатли қарз (Белгиланган ставка)</i>			
«Новоджизакский ИЗ» МЧЖ	36 057	-	-
«Lily Plaza» ШК	25 000	25 000	25 000
Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар	16 327	9 000	6000
Жами қисқа муддатли қарзлар	77 384	34 000	31 000

Компаниянинг кредитлари ва қарзлари сўмларда ифодаланган.

20 Тушум

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Молоз тоши	4 583 066	236 180	1 566 409
00-25 мм фракциядаги технологик оҳактош	1 232 793	7 101 296	2 137 138
00-10 мм фракциядаги технологик оҳактош	215 175	92 484	429 886
60-120 мм фракциядаги технологик оҳактош	105 440	2 791 968	2 121 531
10-25 мм фракциядаги технологик оҳактош	50 006	2 304 114	1 442 184
Жами тушум	6 186 481	12 523 042	7 697 147

21 Таннарх

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Материаллар, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	2 321 778	3 457 604	1 561 045
Субпудрат	1 134 886	3 348 726	1 068 568
Иш ҳақи ва боғлиқ чегирмалар	937 281	1 649 665	834 465
Амортизация	376 120	426 302	375 793
Электр энергияси, газ ва иссиқлик энергияси	350 527	312 932	208 268
Жами сотувлар тушуми	5 120 592	9 195 229	4 048 139

Таннарх тузилмасида субпудрат учун харажатлар қуйидагиларни ифодалайди:

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Портлатиш ишлари	674 962	1 314 057	951 353
Вагонларни ижарага олиш	205 080	1 876 359	-
Тепловозлар ва темир йўлларини таъмирлаш	161 224	52 276	72 671
Бошқалар	93 620	106 034	44 544
Жами субпудрат	1 134 886	3 348 726	1 068 568

22 Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Солиқлар	653 249	1 225 232	140 743
Иш ҳақи ва боғлиқ чегирмалар	527 020	1 044 195	926 351
Офисни сақлаш учун харажатлар	412 636	569 450	312 330
Материаллар, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	68 918	89 876	55 468
Амортизация	58 810	108 743	105 548
Қадрсизланиш учун захира	6 209	19 367	13 835
Бошқалар	18 899	65 896	784 291
Жами маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	1 745 741	3 122 760	2 338 567

23 Бошқа операцион даромадлар

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан олинган фойда	260 467	4 611	69 172
Хоналарни ижарага олиш ва коммунал хизматларни қоплашдан олинган даромад	477 911	260 785	212 288
Бошқалар	13 555	-	-
Жами бошқа операцион даромадлар	1 134 886	3 348 726	1 068 568

24 Фойда солиғи

(а) Фойда солиғи бўйича харажатлар (қоплашлар) компонентлари

Фойда солиғи бўйича харажатлар қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Жорий фойда солиғи	38 724	154 455	187 307
Кечиктирилган солиқ	(4 255)	15 034	(9 409)
Бир йил учун фойда солиғи бўйича харажатлар	34 469	169 489	177 898

(б) фойда солиғи бўйича харажатлар қийматини қўлланиладиган солиқ солиш ставкасига кўпайтирилган фойда ва зарарлар миқдори билан солиштириш

2015, 2014 ва 2013 йиллар учун Компания фойдасининг кўп қисмига қўлланиладиган фойда солиғининг жорий ставкаси 7,5%, 8% ва тегишинча 9%ни ташкил этади. Қуйида фойда солиғи бўйича тахминий ва ҳақиқатдаги харажатларининг солиштирма маълумотлари келтирилган.

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Солиқ солингунга қадар фойда	245 559	1 336 682	1 795 229
Фойда солиғи бўйича харажатнинг қонун билан белгиланган 7,5% ставкаси (2014:8%, 2013:9%) бўйича тахминий миқдори	18 417	106 935	161 571
Солиқ солиш базасини камайтирмайдиган харажатлар ҳамда солиқ солиш базасига киритилмайдиган даромадларнинг солиқ самараси;			
- Солиқ солиш базасини камайтирмайдиган харажатлар	29 730	88 140	34 814
- Бошқа харажатлар	(13 678)	(25 585)	(18 486)
Бир йил учун фойда солиғи бўйича харажатлар	34 469	169 489	177 898

24 Фойда солиғи (Давоми)

(с) Кечиктирилган солиқлар даврий фарқлар турлари бўйича режа тузилган ҳолда

ХМХС ҳамда Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги ўртасидаги фарқлар молиявий ҳисоботларни тузиш мақсадида активларнинг баланс қиймати ва мажбуриятлар ҳамда фойда солиғини ҳисоблаб чиқиш учун уларнинг базаси ўртасидаги даврий фарқлар юзга келишига олиб келади. Ушбу даврий фарқлар ўзгаришининг солиқ оқибатлари қуйидаги батафсил келтирилган бўлиб, 7,5% ставкаси бўйича акс эттирилади (2014:8%, 2013:9%).

<i>минг сўмда</i>	2015	Фойда ва зарарлар ҳисобрақамларига тикланди	2014	Фойда ва зарарлар ҳисобрақамларига тикланди	2013
Чегириб ташланадиган даврий фарқларнинг солиқ эффекти					
Кечиктирилган даромадлар	6 192	5 255	1 937	(15 034)	16 971
Тан олинган кечиктирилган солиқ мажбурияти	6 192	5 255	1 937	(15 034)	16 971
Соф кечиктирилган солиқ мажбуриятлари	6 192	5 255	1 937	(15 034)	16 971

Компаниянинг мавжуд тузилмасида Компанияга тегишли битта компанияларининг солиқ зарарлари ва жорий солиқ активлари Компанияга тегишли бошқа компанияларнинг жорий солиқ мажбуриятлари ва солиқ солинадиган фойдасига қарши ҳисобга олинishi мумкин эмас, ва тегишинча солиқлар ҳаттоки консолидацияланган солиқ зарари мавжуд бўлса ҳам ҳисобланиши мумкин. Шунинг учун кечиктирилган

солиқ активлари ва мажбуриятлари улар фақат айнан битта солиқ тўловчига тегишли бўлсагина ўзаро ҳисобга олиниши мумкин. Раҳбарият кечиктирилган солиқ активлари ҳисобот даври туганидан кейин 12 ойдан ортик муддатларда қопланиши мумкин.

25 Акциялардан олинадиган фойда

Акциялардан олинадиган базавий фойда Компания акциядорларининг улушига тегишли фойданинг бир йил мобайнида муомалада бўлган оддий акцияларнинг ўртача чонига нисбатан ҳисоблаб чиқилади, шахсий сотиб олинган акциялар бундан мустасно.

Компанияда йўқ қилинадиган потенциал оддий акциялар мавжуд эмас, тегишинча акциялар учун йўқ қилинадиган фойда акциялардан олинадиган базавий фойдага мос келади.

Давом этаётган фаолият давомида акциялардан олинадиган фойда қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Оддий акциялар эгаларига тегишли йиллик фойда	140 437	1 167 193	1 617 330
Йиллик фойда	211 089	1 167 193	1 617 330
Муомаладаги оддий акцияларнинг ўрчача сони (минг)	494	494	494
Битта оддий акция учун базавий ва йўқ қилинадиган фойда (битта акция учун сўмда)	284	2 361	3 272

Оддий акциялар эгаларига тегишли йиллик фойда қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

<i>минг сўмда</i>	2015	2014	2013
Йиллик фойда	211 089	1 167 193	1 617 330
Минус: оддий акциялар бўйича дивидендлар	(70 652)	-	-
Бир йил учун тақсимланмаган фойда	140 437	1 167 193	1 617 330
Оддий акциялар шартларига мувофиқ ушбу акциялар эгаларига тегишли бир йил учун тақсимланмаган фойда	140 437	1 167 193	1 617 330
Оддий акциялар эгаларига тегишли йиллик фойда	140 437	1 167 193	1 617 330

26 Шартли ва шартномавий мажбуриятлар

Ҳуқуқий жараёнлар. Оддий молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида Компания вақти-вақти билан даъво аризаларини олади. Ўз баҳоларига асосан ҳамда ички ёхуд ташқи профессионал маслаҳатлар асосида Компаниянинг раҳбарияти бундай даъволар бўйича ҳеч қандай жиддий зарарлар кўрилиши мумкин эмас деб ҳисоблайди ва тегишинча ушбу молиявий ҳисоботда ҳеч қандай захиралар тузилмаган.

Солиқ қонунчилиги. Ўзбекистон Республикасининг солиқ, валюта ва божхона қонунчилигида турли талқинларга йўл қўядиган қоидалар мавжуд бўлганлиги сабабли ҳамда солиқ органларининг беқарор муҳитда ишбилармонлик фаолияти борасида тасодифий хулоса чиқаришга оид амалиёти сабабли раҳбарият томонидан Компаниянинг ишбилармонлик фаолияти борасидаги фикр-мулоҳазалар солиқ органлари томонидан айнан шундай фаолиятни баҳолашга мос келмаслиги мумкин. Агар бирорта фикр-мулоҳазага солиқ органлари томонидан эътироз киритилса, Компанияга анча катта миқдордаги солиқлар, шунингдек жарима ва пенялар қўшимча ҳисобланиши мумкин.

Компаниянинг раҳбарияти тегишли қонунчиликнинг ўхшаш талқинига таянади ҳамда Компаниянинг солиқ, валюта ва божхона масалаларига оид позицияси қўллаб-қувватланади деб ҳисоблайди. Тегишинча 2015 ва 2014 йилларнинг 31 декабр ҳолатига потенциал солиқ мажбуриятлари бўйича ҳеч қандай мажбуриятлар мавжуд бўлмаган.

27 Молиявий таваккалларни бошқариш

Компаниянинг таваккалларни бошқаришга оид вазифаси молиявий, операцион ва юридик таваккалларга нисбатан амалга оширилади. Молиявий таваккал ўз ичига бозор таваккали (валюта таваккали, фоиз ставкаси ўзгариши таваккали ва бошқа нархга оид таваккал), кредит таваккали ҳамда ликвидлик таваккали. Молиявий таваккалларни бошқаришнинг асосий мақсади таваккаллар лимитини аниқлаш ва кейинчалик ўрнатилган лимитларга риоя этилишини таъминлашдан иборат. Операцион ва юридик таваккалларни бошқариш ушбу таваккалларни минималлаштириш мақсадида Компаниянинг ички сиёсати ва тартиботлари талаб этиладиган даражада ишлашини таъминлаши лозим.

Кредит таваккали. Компания кредит таваккалига, хусусан молиявий восита тарафларининг бири ўз мажбуриятини бажара олмаслиги оқибатида бошқа тарафга молиявий зарар келтириб чиқариш таваккалига мойилдир. Кредит таваккалига мойиллик Компания томонидан тўловни кечиктириш шarti билан маҳсулотларни сотиш ҳамда натижада молиявий активлар юзага келадиган контрагентлар билан бошқа битимларни тузиш оқибатида вужудга келади.

Компанияда активлар класслари бўйича вужудга келадиган максимал кредит таваккали молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдаги молиявий активларнинг баланс қийматида акс эттирилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

<i>минг сўмда</i>	2015 йил 31 декабр	2014 йил 31 декабр	2013 йил 31 декабр
Савдо ва бошқа дебиторлик қарздорлиги	3 649 288	2 045 557	1 142 182
Берилган қарзлар	2 326 388	3 289 405	1 917 088
Етказиб берувчиларни тўланган бўнақлар	2 404 077	897 103	651 860
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 031	64 008	6 454
Жами максимал кредит таваккали	8 380 785	6 296 073	3 717 584

Активлар ва мажбуриятлар эҳтимолий ўзаро ҳисобининг таъсири потенциал кредит таваккалини камайтириш учун жиддий аҳамиятга эга эмас. Кредит таваккалини камайтириш гаров таъминоти ҳамда бошқа кредит сифатини кўтариш чоралари ҳисобига амалга оширилади.

Компания битта контрагент ёки ўзаро боғлиқ контрагентлар гуруҳига лимитларни ўрнатган ҳолда кредит таваккалини назорат қилади. Маҳсулотлар ва иктисодиёт тармоқлари бўйича кредит таваккалининг лимитлари раҳбарият томонидан мунтазам равишда тасдиқланади. Бундай таваккаллар мониторинги мунтазам равишда амалга оширилади, бунда лимитлар бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

Компания савдо дебиторлик қарздорлиги тўловларининг кечиктирилган муддатларининг таҳлилини олиб боради ва муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарздорлигининг қолдиқларини кузатиб боради.

27 Молиявий таваккалларни бошқариш (Давоми)

Бозор таваккали. Компания бозор таваккаллари таъсирига мойилдир. Бозор таваккаллари очик позициялар билан а) чет эл валюталари, б) фоиз активлари ва мажбуриятлари ҳамда в) бозорда умумий ва ўзига хос ўзгаришларига мойил бўлган улушли воситалар бўйича боғлиқдир. Раҳбарият қабул қилинаётган таваккал даражасига нисбатан лимитларни белгилайди ҳамда уларга риоя қилинишини ҳар куни назорат қилади. Бирок, ушбу ёндашувнинг қўлланилиши бозорда янада жиддийроқ ўзгаришлар рўй берганда, ушбу лимитлардан ортиқча зарарларни олдини олиши мумкин эмас.

Қуйида келтирилган бозор таваккалининг таъсири битта мезоннинг ўзгариши ва бунда қолган ўзгарувчан таснифлар ўзгаришсиз қолишига асосланган. Амалда эса бунинг деярли иложи йўқ ва бир нечта мезонларнинг ўзгариши ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин, масалан фоиз ставкаси ва валюта курсларининг ўзгаришларини ўзаро боғлаши мумкин.

Валюта таваккали. Валюта таваккалига нисбатан раҳбарият ҳар бир валюта бўйича ва умуман таваккалнинг даражасига кўра чекловларни ўрнатади. Кўрсатиб ўтилган позицияларнинг мониторинги ҳар ойда амалга оширилади. 2015, 2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабр ҳолатига Компания фақат ўзбек сўмларидаги молиявий активлар ва мажбуриятларга эга бўлган.

Фоиз ставкасининг ўзгариши таваккали. Компания ўзининг молиявий ҳолати ва пул оқимларига бозор фоиз ставкалари тебранишининг таъсири билан боғлиқ таваккалга мойилдир. Фоиз ставкасининг ўзгариши таваккали — бу Компаниянинг молиявий активлари ва мажбуриятлари учун фоиз ставкаларидаги салбий ўзгаришлар сабабли молиявий зарарлар таваккалидир. Компания маблағларни ҳам белгиланган, ҳам ўзгарувчан ставка бўйича қарзга олади.

2015, 2014 ва 2013 йилларнинг 31 декабр ҳолатига Компания фақат йиллик 12% ставка бўйича белгиланган қарзлар ҳамда йиллик 12% ставка бўйича белгиланган қарзлар бўйича мажбуриятларга эга бўлган.

Бошқа нархга оид таваккал. Ўзбекистон Республикасида улушли воситалар учун фаол бозор мавжуд бўлмаганлиги сабабли Компаниянинг акцияларни учун нарх таваккалига мойиллигини баҳолаш қийин. Компания томонидан ушлаб қоладиган улушли инвестициялар кўп қисми сотиб олиш қийматида акс

этирилади ҳамда кадрсизланишга мунтазам равишда баҳоланиб боради, ва тегишинча Компаниянинг улушли таваккалга мойиллиги жиддий бўлиши кутилмайди.

Ликвидлик таваккали. Ликвидлик таваккали — бу Компания молиявий мажбуриятларни бажариш чоғида қийинчиликларга дучор бўлиши борасидаги таваккалдир. Компания ҳар куни мавжуд бўлган пул маблағларидан фойдаланиш зарурати туфайли таваккалга мойилдир. Ликвидлик таваккалини Компаниянинг Режа тузиш бўлими бошқаради. Раҳбарият ҳар ойда Компания пул маблағлари ҳаракатининг истиқболларини назорат қилиб боради.

Компания кўп жиҳатдан савдо кредиторлик қарздорлиги ва бошқа кредиторлик қарздорлиги ҳамда олинган бўнақлардан таркиб топган тургун молиялаштириш базасини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Компания ликвидлик бўйича кўзда тутилмаган талабларни тез ва қийинчиликларсиз бажариш имкониятига эга бўлиши учун ликвидли активларнинг диверсификация қилинган портфелларидаги маблағларни инвестицияларга киритади. Компаниянинг ликвидлик портфели пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини (15-сонли изоҳ) ҳамда берилган қарзларни (12-сонли изоҳ) ўз ичига олади. Раҳбарият томонидан берилган баҳога биноан ликвидлик портфелидан берилган пул маблағлари, банк депозитлари ва берилган қарзлар ликвидликдаги кутилмаган эҳтиёжларни қониқтириш мақсадида бир кун давомида пул шаклида сотилиши мумкин.

Молиявий департамент ликвидлик бўйича ҳар кунлик позицияни назорат қилади ҳамда стандарт ва янада номақбул бозор шароитларини қамраб оладиган турли сценарийларда ликвидлик бўйича стресс-тест ишларини мунтазам равишда олиб боради.

28 Капитални бошқариш

Компаниянинг капитални бошқариш соҳасидаги вазифаси Компаниянинг ўз акциядорларига даромаднинг мақбул даражасини таъминлаган ҳолда, бошқа ҳамкорларнинг манфаатларига риоя қилиб ва капитал учун харажатларни минималлаштириш имконини берувчи капиталнинг оптимал тузилмасини сақлаган ҳолда узлуксиз фаолиятни амалга оширишни давом эттириш қобилиятини таъминлашдан иборатдир. Компания капитали тузилмани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш учун қарздорликни камайтириш мақсадида акциядорларга тўланадиган дивидендлар миқдорини ўзгартириши, акциядорларга капитални қайтариг, янги акцияларни чиқариш ёки активларни сотиши мумкин. 2015 йил 31 декабр ҳолатига Компания бошқарган капитал миқдори 9 385 283 минг сўмни ташкил қилган (2014: 9 174 194 минг сўм, 2013: 7 735 144 минг сўм).

28 Капитални бошқариш (Давоми)

Соҳага оид бошқа компаниялар каби Компания ўз ва қарз маблағларнинг нисбатидан келиб чиққан ҳолда капитални назорат қилади. Ушбу кўрсаткич мажбуриятларнинг умумий миқдорини Компания бошқарувидаги капиталнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Компания бошқарув остидаги капиталнинг умумий миқдори молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилган капитал миқдорини ташкил этади деб ҳисоблайди. 2015 йил мобайнида Компаниянинг стратегияси ўз ва қарз маблағларнинг нисбатини 40%дан 60%гача ҳамда ВВнинг кредит рейтингини ушлаб туришни кўзда тутган.

2015, 2014 ва 2013 йиллар мобайнида Компания капитал даражасига оид барча ташқи талабларга риоя қилган.

29 Молиявий воситаларнинг адолатли қиймати

Адолатли қиймат манфаатдор тарафлар ўртасида жорий амалиётлар жараёнида молиявий воситани алмаштириш мумкин бўлган миқдорни касб этади. Адолатли қийматнинг энг яхши тасдиғи бўлиб молиявий воситанинг фаол бозорда котировка қилинадиган нархи ҳисобланади.

Молиявий воситаларнинг тахминий адолатли қиймати Компания томонидан мавжуд бозор маълумотлари (агар мавжуд бўлса) ва тегишли баҳолаш усулларида келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бироқ, тахминий адолатли қийматни аниқлаш мақсадида бозор маълумотини талқин қилиш учун профессионал фикр-мулоҳазаларни қўллаш зарур. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиб бораётган бозорларга хос бўлган айрим ўзига хом хусусиятларни намоён этишни, иқтисодий шароитлар эса молиявий бозорларда фаоллик ҳажмларини чеклашни давом эттирмоқда. Бозор котировкалари эскирган бўлиши ёки паст нархларда сотув қийматини акс эттириши ва шу сабабли молиявий воситаларнинг адолатли қиймати акс эттирмаслиги мумкин. Молиявий воситаларнинг адолатли қийматини аниқлашда раҳбарият барча мавжуд бўлган бозор маълумотларидан фойдаланади. Раҳбарият барча молиявий активлар

ва мажбуриятларнинг жорий қиймати уларнинг қисқа муддатли тусга эгаллиги сабабли уларнинг адолатли қийматига тахминан тенгдир.

30 Баҳолаш тоифалари бўйича молиявий воситаларни тақдим этиш

39-сонли ХМҲС (IAS) «Молиявий воситалар: тан олиш ва баҳолаш»га мувофиқ Компания ўзининг молиявий активларини фақат қарзлар ва дебиторлик қарздорлиги тоифасига киритади.

<i>минг сўмда</i>	Қарзлар ва дебиторлик қарздорлиги	Жами
2015 йил 31 декабр ҳолатига		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 031	1 031
Савдо дебиторлик қарздорлиги	3 649 288	3 649 288
Берилган қарзлар	2 326 388	2 326 388
Жами молиявий активлар	5 976 708	5 976 708
2014 йил 31 декабр ҳолатига		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	64 008	64 008
Савдо дебиторлик қарздорлиги	2 045 557	2 045 557
Берилган қарзлар	3 289 405	3 289 405
Жами молиявий активлар	5 398 970	5 398 970
2013 йил 31 декабр ҳолатига		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	6 454	6 454
Савдо дебиторлик қарздорлиги	1 142 182	1 142 182
Берилган қарзлар	1 917 088	1 917 088
Жами молиявий активлар	3 065 724	3 065 724

Компаниянинг барча молиявий мажбуриятлар амортизация қиймати бўйича акс этирилади.